Кучланишни қарама-қарши ростлаш билан тўлароқ танишиш учун транформаторнинг иккита элемент - трансформатор қаршилиги ва идеал трансформатор кўринишида тасвирланган алмаштириш схемасидан фойдаланамиз (12.2-расм). 12.2-расмда Қуйидаги белгиланишлар қабул қилинган: U_1 - таъминлаш маркази шинасидаги кучланиш; $U_{2ю}$ - туман нимстанциясининг бирламчи шинасидаги (ЮК)даги кучланиш;

$U_{2қ}$ - туман нимстанцияси иккиламчи кучланиш шинаси (ҚК)даги кучланиш; U_3 - исътемолчилардаги кучланиш.

Туман нимстанцияси ЮК шинасидаги кучланиш

$U_{2ю}=U_1-\Delta U_{12}$

ЮК ва ҚК шиналаридаги кучланишлар трансформатордаги кучланиш исрофи ΔU_m га фарқ қилади ва бундан ташқари идеал трансформаторда кучланиш трасформациялаш коэффициентига мос равишда пасайтирилади. Бу пасайтирилиш трансформаторнинг ростловчи шахобчасини танлашда ҳисобга олиниши лозим.

12.2,б-расмда иккита ҳолат – энг кичик ва энг катта юклама ҳолатлари учун кучланишнинг ўзгариш графиклари тасвирланган. Бунда ордината ўқи бўйича кучланиш оғишининг номинал кучланишга нисбатан фоизлардаги қийматлари жойлаштирилган.

12.2,б-расмдан кўринадики (штрих чизиқлар), $n_m=1$ бўлганда энг кичик юкламалар ҳолатида исътемолчилардаги кучланишлар рухсат этилганидан юқори, энг юқори юкламалар ҳолатида эса рухсат этилганидан паст (яъни кучланиш оғишлари рухсат этилганидан катта).

а)



12.2-расм. Кучланишни қарама-қарши ростлаш:
а- алмаштириш схемаси; б- кучланишлар эпюраси.

Бунда ҚК тармоғига уланган қабул қилгичлар (масалан, А ва В нуқталарда) рухсат этилмаган шароитларда ишлайди. $U_{2қ}$ ни туман нимстанцияси трансформаторининг трансформациялаш коэффициенти n_m ни алмаштириш орқали ўзгартирамиз, яъни кучланишни ростлаймиз (12.2,б-расмдаги узлуксиз чизиқ).

Энг кичик юклама шароитларида $U_{2қ}$ имкони борича $U_н$ га яқин қийматгача камайтирилади. Бу ҳолатда n_m нинг шундай стандарт қиймати танланиши лозимки, бунда қуйидаги шарт бажарилсин:

$$U_{2қ.\ экич} \geq U_н \qquad (12.1)$$

Энг кичик юкламалар ҳолатида $U_{2қ}$ ни 1,05-1,1 $U_н$ га имкони борича яқинроқ қийматгача орттирилади. Бу ҳолатда n_m нинг шундай стандарт қиймати танланиши лозимки, бунда қуйидаги шарт бажарилсин:

$$U_{2қ.\ экат.} \geq (1{,}05 \div 1{,}1) U_н . \qquad (12.2)$$

Шундай қилиб, таъминлаш марказидан узоқдаги В ва унга яқиндаги А нуқталардаги исътемолчилардаги кучланишлар рухсат этилган чеграга киритилади. Энг катта ва энг кичик юклама ҳолатидаги бундай ростлашда кучланиш мос равишда оширилади ва пасайтирилади. Шу сабабли бундай ростлашни қарама-қарши ростлаш деб аталади.

12.3. Электр станцияларда кучланишни ростлаш

Генераторлар кучланишларини уларнинг қўзғатиш токини ростлаш орқали ўзгартириш мумкин. Генератор актив қувватини ўзгартирмасдан туриб кучланишни фақат $\pm 0{,}05 U_{н.г}$ чегарада, яъни $0{,}95 U_{н.г}$ дан $1{,}05 U_{н.г}$ гача ўзгартириш мумкин.

$U_{н.г}$=6 кВ бўлганда генераторнинг номинал кучланиши $U_{н.г}$=6,3 кВ ва ростлаш диапазони 6-6,6 кВ бўлади. $U_{н.г}$=10 кВ бўлганда генераторнинг номинал кучланиши $U_{н.г}$=10,5 кВ ва ростлаш диапазони 10-11 кВ бўлади.

Генератор чиқишидаги кучланишнинг номиналдан ±5% дан кўп миқдорга оғиши унинг қувватини камайтиришни талаб этади. Кучланишни ростлашнинг бу диапазони мутлақо етарли эмас. Буни аниқроқ кўриб чиқамиз.

Трансформациялашнинг ҳар бир поғонасида кучланиш исрофи нисбий бирликда

$$\Delta U_{*m} \approx 0{,}1 S_{*m},$$

бу ерда $S_{*m} = S_m/S_н$ - трансформаторнинг нисбий бирликдаги қуввати.

Уч-тўрт трансформацияда тармоқдаги кучланиш исрофи (0,3-0,4)$S_{*т}$ бўлади. Агар $P_{*экат}$=1 ва $P_{*экич}$=0,4 деб қабул қилсак, унда энг катта ва энг кичик юклама ҳолатларида кучланиш мос равишда қуйидагиларни ташкил этади:

$$\sum \Delta U_{экат}\% \approx 30 \div 40\%, \quad \sum \Delta U_{экич}\% \approx 12 \div 16\ \%.$$

Бундан кўринадики, исътемолчида кучланишнинг ўзгариш диапазони

$$\sum \Delta U_{экат}\% - \sum \Delta U_{экич}\% \approx 18 \div 24\%.$$

Шу сабабли генераторда кучланишни ростлаш диапазони 10% аниқ етарли эмас.

Электр станцияларининг генераторлари иккита сабабга кўра ростлашнинг фақат ёрдамчи воситасигина ҳисобланади: 1) генераторлар ёрдамида кучланишни ростлаш диапазони етарли эмас. 2) узоқ ва яқин масофада жойлашган истеъмолчиларга кучланишга бўлган талабни мостлаштириш қийин.

Яъгона ростлаш воситаси сифатида генераторлар фақат станция – тарқалмаган юклама кўринишидаги содда система ҳолатида қўлланилади. Бундай ҳолатда саноат корхоналари изоляцияланган шароитда ишловчи электр станцияларининг шиналарида кучланишни қарама-қарши ростлаш амалга оширилади. Генераторлар қўзғатиш токини ўзгартириш орқали максимал юклама соатларида кучланиш оширилади ва минимал юклама соатларида пасайтирилади.

Электр станцияларида ЮК чулғами номинал кучланиши $U_{ю.н}$= 110 кВ бўлган ТДЦ/110 ва ЮК чулғами номинал кучланиши $U_{ю.н}$ =220 кВ бўлган бир қисм ТДЦ/220 оширувчи трансформаторлар, генераторлар сингари, кучланишни ростлашнинг ёрдамчи воситалари саналади. Чунки улар ҳам ±2х2,5%$U_{ю.н}$ кучланишни ростлаш чегарасига эса ва улар ёрдамида узоқ ва яқинда жойлашган исътемолчиларда кучланиш бўйича талабни мослаштириш мумкин эмас. $U_{ю.н}$= 150, 330 - 750 кВ бўлган ТЦ ва ТДЦ типдаги оширувчи трансформаторлар кучланишни ростлаш қурилмаларисиз ишлаб чиқарилади. Шу сабабли кучланишни ростлашнинг асосий воситаси бўлиб туман нимстанцияларининг трансформатор ва автотрансформаторлари ҳисобланади.

Синов саволлари

1. Кучланишни стабиллаш нима? У қандай ҳолларда қўлланади?
2. Кучланишни пағонали ростлаш нима? У Кандай ҳолларда қўлланади?
3. Кучланишни қарама-қарши ростлаш нима? У қандай ҳолларда қўлланади?
4. Кучланишни генераторнинг қўзғатиш токини ўзгартириб ростлаш усулининг маъносини тушунтиринг.
5. Одатда истеъмолчиларда кучланишни ўзгариш диапозони тахминан қандай?
6. Кучланишни марказлашган ростлаш нима? У қандай ҳолларда қўлланилади?
7. Кучланишни маҳаллий ростлаш нима? У қандай ҳолларда қўлланилади?

8. Истеъмолчилардаги кучланиш даражаси тармоқдаги реактив қувват оқимига қандай боғлиқ?
9. Истеъмолчилардаги кучланиш даражаси қандай факторларга боғлиқ?
10. Истеъмолчилардаги кучланиш даражаси тармоқнинг реактив қувватига қандай боғлиқ?
11. Тармоқдаги кучланиш исрофи ва кучланиш пасайишининг ташкил этувчилари ўртасида қандай боғлиқликлар мавжуд?

12 – маъруза

Маруза режаси

1. Кучланишни ҚАУли трансформатор ёрдамида ростлаш.
2.. Кучланишни ЮОРли трансформатор ёрдамида ростлаш.
3. ҚАУ ва ЮОР қурилмаларининг схемалари ва ишлаш принциплари.
4. Кучланишни линия ростлагич трансформаторлари ёрдамида ростлаш.

Таянч иборалар: Кучланишни ростлаш; кучланишни стабиллаш; кучланишни пағонали ростлаш; қўзғатиш токи; қўзғатишсиз алмаштаб улаш; юклама остида ростлаш; қаршиликни компенсациялаш; реактив қувватни компенсациялаш.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

13.1. Пасайтирувчи нимстанцияларда кучланишни ростлаш

Пасайтирувчи нимстанциялар трансформаторлари тузилиши бўйича икки турга бўлинади: а) ростловчи шохобчаларни қўзғатишсиз алмашлаб уловчи, яъни тармоқдан узиш орқали (қисқача, “ҚАУли трансформаторлар”); б) ростловчи шохобчаларни юклама остида ростловчи (қисқача, “ЮОРли трансформаторлар”). Одатда, ростловчи шохобчалар трансформаторнинг кичик ишчи ток оқувчи юқори чулғами томонида ясалади. Бунда алмашлаб улаш қурилмасининг иши енгиллашади.

12.2,а-расмда тасвирланган содда схемани кўриб ўтамиз.

Бунда нимстанция ЮК шинасидаги кучланиш электр станцияси генераторлари кучланиши U_1 *дан* ЭУЛ даги кучланиш исрофи қиймати ΔU_c га, нимстанция ҚК шинасидаги ЮКга келтирилган кучланиш $U_{2к}^{ю}$ эса яна трансформатор қаршилигидаги кучланиш исрофи ΔU_m га фарқ қилади:

$$U_{2ю}=U_1-\Delta U_c, \quad U_{2k}^{ю}=U_{2ю}-\Delta U_m.$$

Нимстанциялар ҚК шиналаридаги кучланишнинг ҳақиқий қиймати қуйидагича топилади:

$$U_{2k}=\frac{U_{2k}^{ю}}{n_T}=U_{2k}^{ю}\frac{U_{k.н}}{U_{шох}}, \qquad (13.1)$$

бу ерда $n_m=U_{шох}/U_{қ.н}$ - трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти; $U_{шох}$ - ЮК чулғам ростлаш шохобчасининг кучланиши; $U_{k.н}$ - ҚК чулғамининг номинал кучланиши.

Трансформациялаш коэффициентини ўзгартириб, нимстанциянинг ҚК томонидаги кучланиш $U_{2қ}$ ни ўзгартириш мумкин. Нимстанцияларда барча кучланишни ростлаш воситалари айнан шу принципда ишлайди.

Қарама-қарши ростлаш шартлари (12.1) ва (12.2) бўйича

$$V_{экат}^{хох}\% = \mathbf{5\%}; \qquad V_{экич}^{хох}\% = \mathbf{0}$$

бу ерда $V_{экат}^{хох}\%$ - энг катта юклама іҳолатида хоіҳланган кучланиш оғишининг номинал кучланишга нисбатан фоизи; $V_{экич}^{хох}\%$ - шу сингари энг кичик юклама ҳолати учун.

Буларга мос равишда

$$U_{2к.экат}^{хох} = U_н + V_{экат}^{хох}; \qquad U_{2к.экич}^{хох} = U_н + V_{экич}^{хох}.$$

ҚК томонидаги кучланишниг ҳақиқий қиймати (А.3) ифодадан топилади.

Тармоқни электрик ҳисоблаш натижасида энг катта юклама ҳолатида ҚК томонидаги кучланишниг ЮК томонига келтирилган қиймати $U_{2к.экат}^{хох}$ энг кичик юклама ҳолатида ҚК томонидаги кучланишнинг ЮК томонига келтирилган қиймати $U_{2к.экич}^{хох}$ топилади. $U_{2к.экат}^{хох}$ ва $U_{2к.экич}^{хох}$ лар бўйича энг катта ва энг кичик юклама ҳолатлари учун трансформатор юқори чулғамида хоҳланувчи ростлаш шохобчаси аниқланади:

$$U_{шох.экат} = U_{2к.экат}^{ю} \cdot \frac{U_{к.н}}{U_{2к.экат}^{хох}}; \qquad U_{шох.экич} = U_{2к.экич}^{ю} \cdot \frac{U_{к.н}}{U_{2к.экич}^{хох}} \qquad (13.2)$$

(13.2) бўйича аниқланувчи хоҳланувчи шохобчалар (12.1) ва (12.2) шартлари бажарилувчи энг яқин стандарт қийматларга яхлитланади.

Юклама остида ростланмайдиган трансформаторлар (ҚАУли) ҳозирги даврда асосий ва тўртта қўшимча шохобчали қилиб ишлаб чиқарилади. Бундай трансформатор чулғамининг схемаси 13.1-расмда келтирилган. Асосий шохобча кучланиши трансформатор юқори чулғамининг номинал кучланишидир ($U_{.ю.н.}$). Пасайтирувчи трасформаторлар учун $U_{.ю.н.}$ ушбу трансформатор юқори чулғами уланадиган тармоқнинг номинал кучланиши $U_{т.н}$ га тенгдир. (Масалан, 6, 10, 20, 35 кВ ва ҳ.к). Асосий шохобчада трансформаторнинг трансфоромациялаш коэффициентини номинал деб юритилади. Тўртта ёрдамчи шохобчалардан фойдаланилганда трансформациялаш коэффициенти номиналдан +5; +2,5; -2,5 ва -5% фарқ қилади. Трансформаторнинг иккиламчи (схемада - қуйи) чулғами унга уланган тармоқнинг таъминлаш маркази ҳисобланади.



13.1-расм. ҚАУли трансформатор чулғамлари схемаси.



13.2-расм. ЮОРли трансформатор чулғамлари схемаси.

Шу сабабли трансформаторларда иккиламчи чулғамнинг номинал кучланиши тармоқнинг номинал кучланишига нисбатан каттадир. Бу фарқ кичик қувватли трансформаторлар учун 5% ва қолганлари учун 10% ни ташкил этади. Фараз қилайлик, асосий шохобчадан фойдаланилганда бирламчи шохобчага тармоқнинг номинал кучланишига тенг кучланиш бермоқда ва салт ишлаш ҳолатида ҚК томонидаги кучланиш $1{,}05U_{қ.т}$. Бунда қўшимча кучланиш 5%. ҚАУли трансформатор шохобчасини ўзгартириб яхлитланган қийматлари қуйидагича бўлган қўшимча кучланишни олиш мумкин:

Бирламчи чулғам шохобчаси, %:	+5	+2,5	0	-2,5	5
Салт ишлаш ҳолатида ҚК томонидаги кучланиш ($U_m/U_{н.т}$):	1	1,025	1,05	1,075	1,1
Қўшимча кучланиш, %:	0	2,5	+5	+7,5	+10

ҚАУли трансформаторнинг ростлаш шохобчаларини алмашлаб улаш учун аввало уни тармоқдан ажратиш талаб этилади. Бундай алмашлаб улашлар кам – юкламаларни сезонли ўзгаришида амалга оширилади. Шу сабабли сутка давомидаги энг катта ва энг кичик юклама ҳолатларида (масалан, кундузи ва тунда) ҚАУли трансформатор битта ростловчи шохобча ва шунга мос ягона трансформациялаш коэффициенти билан ишлайди. Бунда кучланишни қарама-қарши ростлаш талабларини амалга ошириш, яъни (12.1) ва (12.2) шартларни бажариш мумкин эмас. Ҳақиқатдан ҳам (13.1) га мувофиқ

$$U_{2к.экат} = U^{ю}_{2к.экат} \cdot \frac{U_{к.н}}{U_{шох}};$$

Одатда $U_{2к.экат} < U_{2к.экич}$ шу сабабли $U_{2қ.экат} < U_{2қ.экич}$.

Бу қарама–қарши ростлаш талаблари (12.1) ва (12.2) га зид келади. Кучланишни қарама-қарши ростлашни фақат $U_{шох}$ ва трансформациялаш коэффициентини сутка давомида ўзгартириш, яъни энг катта юклама ҳолатидан энг кичик юклама ҳолатига ўтиш орқали амалга оширилади.

Ўрнатилган ЮОР қурилмали кучланишни юклама остида ростловчи трансформаторлар ҚАУли трансформаторлардан алмашлаб уловчи махсус қурилма ва шунингдек шохобчалар сонининг кўплиги, диапазонининг катталиги билан фарқ қилади. Масалан, ЮК чулғамини асосий шохобчаси кучланиши 115 кВ бўлган трансформатор ҳар бири 1,78% дан 18 та ростлаш даражали +16% ростлаш диапазонига эга.

А.4-расмда ЮОРли трансформатор чулғамларининг схемаси тасвирланган. Бу трансформаторнинг ЮК чулғами икки қисмдан – ростланмайдиган *а* ва ростланадиган *б* қисмлардан ташкил топган. Ростланадиган қисмининг 1, 4 қўзғалмас контакларида бир қатор шохобчалар мавжуд. 1, 2 шохобчалар асосий чулғам ўрамлари билан бир хил уланган ўрамлар қисмига мос келади (токнинг йўналиши 13.2-расмда стрелкалар ёрдамида кўрсатилган). 1, 2 шохобчалар уланганда трансформаторнинг трансформациялаш коэффициенти ошади. 3, 4 шохобчалар асосий чулғам ўрамларига нисбатан қарама - қарши уланган ўрамлар қисмига мос келади. Уларнинг уланиши трансформациялаш коэффициентини камайтиради, чунки улар асосий чулғам ўрамлари бир қисмининг таъсирини компенсациялайди. Трансформатор ЮК чулғамининг асосий чиқиш жойи бўлиб 0 нуқта ҳисобланади.

Асосий чулғам ўрамлари билан бир йўналишда ва қарама - қарши таъсир этувчи ўрамлар сони бир хил бўлмаслиги мумкин. Чулғамнинг ростловчи қисмида қўзғалувчи *в* ва *г,* қўзғалмас К1 ва К2 контактлардан ҳамда *Р* реакторлардан ташкил топган алмашлаб уловчи қурилма мавжуд. Реакторнинг ўртаси трансформатор чулғамининг ростланмайдиган *а* қисми билан туташган. Нормал шароитда ЮК чулғами токи реактор чулғами яримларига тенг бўлинади. Шу сабабли реакторда магнит оқими ва шунингдек кучланиш исрофи камдир.

Фараз қилайлик, қурилмани шохобча 2 дан шохобча 1 га алмашлаб улаш талаб этилади. Бунда контактор К1 узилади. Қўзғалувчан контакт *в* шохобча контакти 1 га ўтказилади ва К1 контакт қайта уланади. Шундай қилиб, чулғамнинг 1, 2 секциялари Р реакторнинг чулғами орқали ёпиқ уланиб қолади. Бу вақтда реакторнинг индуктивлиги чулғамнинг 1, 2 секциясидаги кучланиш таъсирида ҳосил бўлувчи тенглаштирувчи токни чеклайди. Шундан сўнг контактор К2 узилади, қўзғалувчан контакт 2 шохобча контакти 1 га ўтказилади ва К2 контакт қайта уланади.

ЮОР ёрдамида трансфороматорнинг шохобчасини ва трансформациялаш коэффициентини сутка давомида юклама остида ўзгартириш орқали қарама-қарши ростлаш талаби (12.1), (12.2) ни бажариш мумкин.

Линия ростлагич трансформаторлари (**ЛРТ**) ва кетма-кет ростловчи трансформаторлар кучланишни алоҳида ЭУЛда ёки ЭУЛ гуруҳларида ростлаш учун қўлланилади. Шундай қилиб, улар юклама остида ростлайдиган трансформаторлардан фойдаланилган мавжуд тармоқларни қайта қуришда қўлланилади. Бундай ҳолларда нимстанция шинасида кучланишни ростлаш учун ЛРТ ростланмайдиган трансформатор билан кетма-кет уланади. Чиқиб кетувчи ЭУЛларда кучланишни ростлаш учун ЛРТлари бевосита ЭУЛларига кетма-кет уланади.

ЛРТ ёрдамида кучланишни бўйлама, кўндаланг ва бўйлама-кўндаланг ростлаш мумкин.

Синов саволлари

1. Кучланишни трансформаторларнинг трансформациялаш коэффициентларини ўзгартириб ростлаш усули қандай афзалликларга эга?
2. Кучланишни бўйлама ва кўндаланг ростлаш нима Билан характерланади?
3. Кучланишни трансформаторнинг трансформациялаш коэффициентини ўзгартириб ростлаш усулининг маъносини тушунтиринг.
4. ҚАУ қурилмасининг принципиал схемасини келтиринг ва ишлаш принципини тушунтиринг.
5. ЮОР қурилмасининг принципиал схемасини келтиринг ва ишлаш принципини тушунтиринг.
6. Қандай ҳолларда ҚАУ ва ЮОР қурилмаларидан фойдаланилади?
7. Кучланишни ҚАУ қурилмаси ёрдамида ростлаш усулининг афзаллик ва камчиликлари.
8. Кучланишни ЮОР қурилмаси ёрдамида ростлаш усулининг афзаллик ва камчиликлари.
9. Икки чулғамли трансформаторнинг иккиламчи қуйи томонида талаб этилувчи кучланишни таъминлаш учун лозим бўлган трансформациялаш коэффициенти қандай аниқланади?
10. Кучланишни линия ростлагич трансформаторларида ростлаш усулининг маъносини тушунтиринг.
11. Линия ростлагич трансформаторининг принципиал схемасини келтиринг ва ишлаш принципини тушунтиринг.

***13** – маъруза*

Маруза режаси

1. Кучланишни тармоқ қаршилигини ўзгартириб ростлаш.
2.. Кучланишни ростлаш учун зарур бўлган бўйлама компенсацияловчи қурилма қаршилигини аниқлаш.

Таянч иборалар: Кучланишни ростлаш; кучланишни стабиллаш; кучланишни пағонали ростлаш; қўзғатиш токи; қўзғатишсиз алмаштаб улаш; юклама остида ростлаш; қаршиликни компенсациялаш; реактив қувватни компенсациялаш.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

14.1. Кучланишни тармоқ қаршилигини ўзгартириб ростлаш

Истеъмолчидаги кучланиш тармоқдаги кучланиш исрофи қийматига боғлиқдир. Кучланиш исрофи эса ўз навбатида тармоқ қаршилиги боғлиқ. Масалан, 14.1-расмда тасвирланган тармоқдаги кучланиш пасайишининг бўйлама ташкил этувчиси қуйидагичадир:

$$\Delta U_{12} = \frac{P_{12}^{(2)} + Q_{12}^{(2)} X_{12}}{U_2}. \qquad (14.1)$$

Бу ерда $P_{12}^{(2)}, Q_{12}^{(2)}, U_2$ - ЭУЛ охирида қувват оқимлари ва кучланиш; r_{12}, x_{12}- ЭУЛнинг актив ва реактив қаршиликлари.



14.1-расм. Кучланишни тармоқнинг параметрларини ўзгартириб ростлаш.

Тақсимловчи ва таъминловчи тармқлар учун актив ва реактив қаршиликларнинг нисбатлари турлича бўлади. Тақсимловчи тармоқларда актив қаршилик реактив қаршиликка нисбатан катта, яъни $r_0>x_0$ бўлади. (14.1) да суратнинг асосий ташкил этувчиси $P_{12}^{(2)} r_{12}$ бўлиб қолади. Тақсимловчи тармоқларда ЭУЛ ўтказгичининг кўндаланг кесими ўзгарганда r_0 ва унга мос равишда r_{12}, ΔU_{12} ва истеъмолчидаги кучланиш анчагина ўзгаради. Шу сабабли бундай тармоқларда ўтказгичнинг кўндаланг кесими рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича аниқланади.

Таъминловчи электр тармоқларда аксинча $x_0>r_0$ ва шу сабабли ΔU_{12} асосан ЭУЛ ўтказгичининг кўндаланг кесимига кам даражада боғлиқ бўлган реактив қаршилик билан белгиланади.Таъминловчи электр тармоқларда ЭУЛ ўтказгичини рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича танлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Реактив қаршиликни ўзгартириш учун ЭУЛ га конденсаторлар улаш лозим. ЭУЛда конденсаторлар улашдан олдинги кучланиш пасайишининг бўйлама ташкил этувчиси (14.1) бўйича аниқланади. Фараз қилайлик, ЭУЛнинг охирида кучланиш рухсат этилганидан паст:

$$U_2=U_1-\Delta U_{12}<U_{2рух}$$

ЭУЛга конденсаторларни шундай улаймизки, бунинг натижасида U_2 рухсат этилган $U_{2рух}$ гача ошсин.

Бунда юқоридаги ифодани қуйдагича ёзиш мумкин:

$$U_{2рух}=U_1-P_{12}^{(2)} r_{12} +Q_{12}^{(2)}(x_{12} - x_k)/ U_{2рух} \qquad (14.2)$$

Бу ерда $x_к$-конденсаторнинг қаршилиги

Конденсаторларни ЭУЛда кетма-кет улаш бўйлама компенсациялаш деб юритилади. Бўйлама компенсацияловчи қурилма (БКҚ) ЭУЛда индуктив қаршилик ва кучланиш исрофини компенсанциялаш имконини беради (14.2,а-расм).

Бундай ростлашнинг вектор диаграммаси 14.2,б-расмда тасвирланган. Ундан кўринадики,

$$U_2= U_1- \sqrt{3}I_{12} (r_{12} +jx_{12}),$$

$$U_{2рух}=U_1- \sqrt{3}I_{12}(r_{12} +jx_{12})- \sqrt{3}I_n(-jx_k)$$

Бу ерда I_{12}-ЭУЛ токи.

$j\sqrt{3}I_{12}x_k$ қийматини манфий кучланиш ёки тармоққа киритилувчи қўшимча э.ю.к сифатида қараш мумкин

U_1, $U_{2рух}$, r_{12}, x_{12}, $P_{12}^{(2)}$,$Q_{12}^{(2)}$ ни билган ҳолда (14.2) дан x_k ни топиш ҳамда лозим бўлган кетма-кет ва параллел уланувчи конденсаторларнинг сонини танлаш мумкин. Бунда конденсаторлардан кучланишлар $U_к$ ва улардаги токлар $I_к$ тенгдир:

$$U_к= \sqrt{3}\, I_{12}X_к, \qquad I_k= I_{12}= S_{12}/\sqrt{3}U_к .$$



Агар битта конденсаторнинг номинал кучланиш $U_{к.ном} < U_k/\sqrt{3}$, бўлса, у ҳолда бир нечта конденсатор ўрнатилади. Кетма-кет уланувчи конденсаторлар сони қуйидаги ифода бўйича топилади:

$$n = U_к/\sqrt{3}\, U_{к.ном}$$

Конденсаторнинг паспортида унинг қуввати $Q_к$ кўрсатилади. Бу қийматни билган ҳолда номинал токни аниқлаш мумкин:

$$I_{к.ном} = Q_к / U_{к.ном};$$

Агар $I_{к.ном} < I_к$ бўлса, m та конденсатор параллел ўрнатилади.

Бунда

$$m = I_п / I_{к.ном}.$$

БКҚ сиғим қаршилигини ЭУЛ индуктив қаршилигига нисбатининг фоизлардаги қиймати компенсациялаш фоизи деб аталади:

$$C = \frac{x_k}{x_{12}} \cdot \mathbf{100}.$$

Амалда ЭУЛ реактив қаршилигини қисман компенсациялаш қўлланилади (C<100%). Юкламани бевосита таъминлайдиган тақсимловчи тармоқларда тўла ёки ортиқча компенсациялаш ($C \geq 100$) одатда қўлланилмайди. Бу тармоқда ўта кучланишни вужудга келиш мумкинлиги билан боғлиқ.

БКҚни қўллаш тармоқда кучланиш ҳолатини яхшилаш имконини беради. Бироқ, кучланишнинг ортиши БКҚ орқали ўтувчи ток қиймати ва фазасига боғликдир. Шу сабабли БКҚ ёрдамида ростлаш имкониятлари чекланган. БКҚни ўта юкланган радиал ЭУЛларда кучланиш оғишини камайтириш учун қўллаш энг самаралидир.

Таъминловчи тармоқларда БКҚлар фойдаланишда мураккаб ва қимматдир, қисқа туташув даврида уларни ўтакучланишдан ҳимоялаш учун махсус тадбирларни қўллаш лозимдир. БКҚ нафақат кучланишни ростлаш учун, балки ЭУЛнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш учун ҳам қўлланилади.

14.2. Кучланишни реактив қувват оқимини ўзгартириб ростлаш

Тармоқда кучланиш пасайишининг бўйлама ташкил этувчиси ΔU_m қуйидаги ифодадан аниқланади (14.3,а-расм):

$$\Delta U_T = \frac{P_ю r_T + Q_ю x_T}{x_2}.$$

Бу ерда $P_ю$, $Q_{.ю}$- қувват оқимлари; $r_т$, $x_т$ - тармоқнинг актив ва реактив қаршиликлари.

Юқоридаги ифодадан кўринадики, кучланиш пасайиши тармоқдаги актив ва реактив қувват оқимларига боғлиқ. ЭУЛ орқали оқувчи актив қувват истеъмолчи қуввати билан белгиланади. Кучланишни ростлаш учун актив қувватни ўзгартириш мумкин эмас. Таъминловчи тармоқларда реактив қаршилик актив қаршиликка нисбатан катта бўлмаганлиги учун қувват оқимларини ўзгартириб ростлашда кучланиш пасайишига $Q_ю x_т$ кўпайтма ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Реактив қувват оқимларини компенсациялаш учун компенсацияловчи қурилмалар – конденсатор батареялари (КБ), синхрон компенсаторлар (СК), шунингдек реактив қувватни статик манбалари (РҚСМ) қўлланилади.

Компенсацияловчи қурилма сифатида синхрон компенсаторлардан фойдаланиш 14.3,а-расмда тасвирланган.

Компенсатор ўрнатишдан олдин ЭУЛ охиридаги кучланиш қуйидагича аниқланади:

$$U_2 = U_1 - \frac{P_ю r_T + Q_ю x_T}{U_2} \ . \qquad (14.3)$$

Фараз қилайлик, U_2 рухсат этилганидан кичик. ЭУЛ охирига СК улангандан сўнг U_2 қуйидагича топилади:

$$U_2 = U_1 - \frac{P_ю r_T + (Q_ю - Q_{ск}) x_T}{U_2} \ . \qquad (14.4)$$

СКнинг кучланишни рухсат этилган қийматини таъминлайдиган қувватини топамиз. Бунинг учун (14.4) да $U_2 = U_{2рух}$ деб ҳисоблаймиз ва (14.4) дан (14.3)ни айирамиз. Натижада СК қувватини топиш учун ифодага эга бўламиз:

$$Q_{ск} = \frac{(U_{2рух} - U_2)[U_{2рух} U_2 - (P_ю r_T + Q_ю x_T)]}{U_2 x_T}$$

Агар $1/U_{2рух} \approx 1/U_2$ деб қабул қилсак, у ҳолда бу ифода янада соддалашади:

$$Q_{ск} = \frac{U_{2рух} - U_2}{x_T} \cdot U_{2рух} \qquad (14.5)$$

Амалий ҳисоблашларда $Q_{ск}$ (14.5) бўйича топилади.

Синхрон компенсаторлар ўта қўзғалиш ва кам қўзғалиш ҳолатларида ишлайди.

Ўта қўзғалганда улар $Q_{ск}^{у.к} = Q_{ск.ном}$ реактив кувватни ишлаб чиқаради ва кам қўзғалганда $Q_{ск}^{к.к} = 0{,}5 Q_{ск.ном}$ реактив қувватни истеъмол қилади. Реактив қувватнинг истеъмол қилиниши кучланиш исрофининг ортиши ва истеъмолчидаги кучланишни камайишига олиб келади. 14.3,б-расмда ўта қўзғалган ҳолат учун вектор диаграммалар тасвирланган.

СКни улашгача

$$U_2 = U_1 - \sqrt{3} I_ю z_т;$$
$$U_2 = U_1 - \sqrt{3} I_ю r_т - j\sqrt{3} I_ю x_т \ .$$

СКни улагандан сўнг

$$U_{2рух} = U_1 - \sqrt{3}(I_ю + I_{ск}) z_т;$$

$$U_{2рух}=U_1-\sqrt{3}I_ю r_m - j\sqrt{3}I_ю x_m - \sqrt{3}I_{ск} r_m - j\sqrt{3}I_{ск} x_m .$$

СКнинг ўта қўзғалган ҳолатида тармоқда оқувчи $I_{ск}$ токи U_2 ни 90^0 га ортда қолдиради. Вектор диаграммадан кўринадики (14.3,б-расм), бу ҳолатда кучланиш модули U_2 дан $U_{2рух}$ гача ортади. Кам қўзғалиш ҳолатида СКнинг токи ва қуввати ўз йўналишини тескари томонга алмаштиради. Тармоқда оқувчи $I_{ск}$ ток U_2 кучланишдан 90^0 ортда қолади. Бу ҳолатда кучланиш модули U_2 дан $U_{2рух}$ гача камаяди.



14.3-расм. СКнинг иш ҳолатлари:

а - СКнинг уланиши; б - СКнинг ўта қўзғалган ҳолати учун вектор диаграммаси.

Синов саволлари

1. Кучланишни тармоқ қаршилигини ўзгартириб ростлаш усулининг маъносини тушунтиринг.
2. Тармоқнинг реактив қаршилигини ўзгариши ундаги кучланишга қандай таъсир этади?
3. Радиал тармоқнинг охирида талаб этилувчи кучланишни таъминлаш учун унга уланувчи БКҚнинг қаршилиги қандай аниқланади?
4. Электр тармоқда кучланишни реактив қаршиликни компенсациялаб ростлашда ток ва кучланишнинг вектор диаграммаларини қуринг.
5. Кучланишни реактив қувватни ўзгартириб ростлаш усулининг маъносини тушунтиринг.
6. Радиал тармоқнинг охирида талаб этилувчи кучланишни таъминлаш учун унга уланувчи реактив қувват компенсаторининг қуввати қандай аниқланади?
7. Электр тармоқда кучланишни реактив қувватни компенсациялаб ростлашда ток ва кучланишнинг вектор диаграммаларини қуринг.

8. Нима сабабдан радиал тармоққа БКҚ улаш натижасида унинг охиридаги кучланиш ортади?
9. Нима сабабдан реактив қувватни компенсаторда ишлаб чиқариш натижасида радиал тармоқнинг охирида кучланиш ортади?
10. Реактив қувватни компенсациялаш қандай қурилмалар ёрдамида амалга оширилиши мумкин?

14 – маъруза

Маруза режаси

1. Электр тармоқни лойиҳалаштиришда ечилиши лозим бўлган масалалар таркиби.
2. Электр тармоқни лойиҳалаш усуллари
3. Асосий техник иқтисодий қурсаткичлар.
4. Автоматик лойиҳалаш системалари.

Таянч иборалар: Лойиҳалаш; тармоқни ривожлантириш; капитал маблағ; қўшимча харажат; тан нарх; ишончлилик; оптимал вариант; номинал кучланиш; оптимал кучланиш; кесим юзаси; иқтисодий кесим юзаси; истисодий интервал; рухсат этилган кучланиш исрофи.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

Энергетика системаларининг электр тармоқларида техник иқтисодий ҳисоблашлар

15.1. Энергетика системалари ва электр тармоқларини лойиҳалашнинг вазифалари ва усуллари.

Энергетика системаларини лойҳалашнинг вазифаси уларнинг ривожланишини аниқловчи, истеъмолчиларни талаб этилувчи сифатидаги электр ва иссиқлик энергиялари билан ишончли даражада энг кичик харажатларда таъминловчи ечимларини ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослашдан иборатдир.

Энергетика системалари ва электр тармоқларини лойҳалаш *босқичсиз лойиҳалаш ишларини* бажариш билан бошланади. Бу ишларни бажариш натижасида лойиҳалашнинг иқтисодий самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги, катта нархли қурилиш, қайта қуриш ва электр тармоқ объектларини кенгайтиришни аниқлаш учун *асословчи материаллар* ишлаб чиқилади.

Электр тармоқлар ривожланишини лойиҳалаш “Энергетика системаси электр тармоғининг ривожланиш схемаси” деб юритилувчи мустақил иш ёки энергетика системаси ривожланиш схемасининг ташкилий қисми сифатида бажарилиши мумкин. Электр тармоқларини лойиҳалаштиришда турли вазифаларни бажарувчи ва турли кучланишлардаги тармоқларни ривожлантириш умумлаштирилади. Лойиҳалашнинг қуйидаги тахминий ташкилий қисмлардан иборат бўлган босқичларида таркиби ва ҳажми бўйича турлича масалалар ечилади:

кўрилаётган энергетика системасининг мавжуд тармоғини таҳлил қилиш;

истеъмолчиларнинг электр юкламаларини аниқлаш ва алоҳида нимсистемалар ва энерготугунлар учун актив қувват балансини тузиш, янги пасайтирувчи нимстанциялар қуришни асослаш;

электр станцияларининг иш ҳолатларини ҳисоблаш (агар кўрилаётган тармоққа электр станцияси уланган бўлса) ва лойиҳалаштирилаётган электр тармоқнинг юкланишини аниқлаш;

электр тармоқнинг турли иш ҳолатларини ҳисоблаш ва тармоқ схемаси тузилишини асослаш;

реактив қувват балансини тузиш ва тармоқда кучланишни ростлаш шартларини аниқлаш, компенсацияловчи қурилмаларнинг типлари, қувватлари ва жойлаштирилиш пунктларини аниқлаш;

лойиҳаланувчи тармоқнинг қисқа туташув (ҚТ) токларини ҳисоблаш, коммутацион аппаратларнинг узиш имкониятларига талабларни аниқлаш, ҚТ қувватларини чеклаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

сиғим токларини компенсациялаш учун қўлланилувчи ёй сўндирувчи реакторларни танлаш ва сонларини, қувватларини ҳамда ўрнатилиш жойларини асослаш (одатда, 35 кВ ва ундан паст тармоқлар учун амалга оширилади);

электр тармоқни белгиланган ҳажмда ривожланишининг келтирилган параметрлари, натурал ва суммавий кўрсаткичлари, ишга туширилиш кетма-кетлигини аниқлаш.

Автоматлаштирилган лойиҳалаш системаларини (**АЛС**) қўллаш энергетика системалари ва тармоқларини лойиҳалашда муҳим аҳамиятга эга. Электр тармоқни лойиҳалашда асосий аниқланувчи параметрлар – номинал кучланишлар, ЭУЛ ўтказгичларининг кўндаланг кесими, ЭУЛнинг сони, уларнинг узатиш қобилияти, трансформаторларнинг сони ва қуввати дискретдир. Қидирилаётган маълумотларнинг сони жуда кўп ва шу сабабли масалани математик кўринишда тасвирлаш жуда мураккаб. Электр тармоқни лойиҳалашни лойиҳаловчисиз амалга ошириш мумкин эмас. ЭСни лойиҳалашда АЛС лойиҳаловчи учун маслаҳатчи сифатида хизмат қилади ва у инсон томонидан тўлиқ ҳимоялашни кўзда тутади.

15.2. Техник- иқтисодий кўрсаткичлар

Энг муҳим техник-иқтисодий кўрсаткич – бу капитал маблағлар, яъни электр тармоғи, станциялари ва энергетик объектларни қуриш учун сарф бўлувчи харажатлардир. Электр тармоқ учун

$$K=K_{ЭУЛ}+K_{нс} \qquad (15.1)$$

Бу ерда $K_{ЭУЛ}$ - ЭУЛларни қуриш учун капитал маблағ; $K_{нс}$ - нимстанцияларни қуриш учун капитал маблағ.

ЭУЛларни қуриш учун капитал маблағлар $K_{ЭУЛ}$ ўрганиш ишлари ва трассаларни тайёрлаш, таянчлар, ўтказгичлар, изоляторлар ва шу каби жиҳозларни олиш, уларни ташиш, монтаж қилиш ва бошқа ишлар учун харажатлардан ташкил топган. Нимстанцияларни қуриш учун капитал маблағлар $K_{нс}$ территорияни тайёрлаш, трансформатор, узгич ва шу каби жиҳозларни олиш, монтаж қилиш ва бошқа ишлар учун харажатлардан ташкил топган.

Капитал маблағлар алоҳида жиҳозлар нархларининг умумлаштирилган қийматлари ёки сметалар бўйича ҳисобланиши мумкин.

Иккинчи муҳим техник-иқтисодий кўрсаткич бўлиб бир йил давомида энергетик жиҳозлар ва тармоқдан фойдаланиш учун лозим бўлган харажатлари (қўшимча харажатлар) ҳисобланади:

$$И = И_{эуй} + И_{нс} + И_{\Delta w} = \frac{\alpha_{а.эуй} + \alpha_{Т.эуй} + \alpha_{х.эуй}}{100} \cdot K_{эуй} + \\ + \frac{\alpha_{а.нс} + \alpha_{Т.нс} + \alpha_{х.нс}}{100} \cdot K_{нс} + И_{\Delta w}. \quad (15.2)$$

Бу ерда $И_{ЭУЛ}$, $И_{нс}$ - ЭУЛ ва нимстанциялар учун бир йил давомида фойдаланиш харажатлари; $И_{\Delta w}$ - бир йил давомида исроф бўлувчи электр энергия нархи; $\alpha_{а.ЭУЛ}$, $\alpha_{т.ЭУЛ}$, $\alpha_{х.ЭУЛ}$ - ЭУЛ учун аммортизация, жорий таъмир ва хизмат кўрсатиш йиллик чегирмаларининг нисбий бирликдаги қийматлари, 1/йил; $\alpha_{а.нс}$, $\alpha_{т.нс}$, $\alpha_{х.нс}$ - нимстанция учун аммортизация, жорий таъмир ва хизмат кўрсатиш йиллик чегирмаларининг нисбий бирликдаги қийматлари, 1/йил.

$\alpha_а$, $\alpha_т$, $\alpha_х$ ларнинг қийматлари қўлланмаларда келтирилган.

Агар ЭУЛ ва нимстанциялар учун аммортизация, таъмир ва хизмат кўрсатишга сарф бўлувчи фойдаланиш харажатларини бирлаштирсак, у ҳолда электр тармоқ учун фойдаланиш харажатлари ифодасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$И = И_а + И_т + И_{х.} + И_{\Delta w} \quad (15.3)$$

Бу ерда, $И_а$ - аммортизацияга чегирмалар; $И_т$ - тармоқда жорий таъмирни амалга ошириш учун харажатлар; $И_х$ - тармоққа хизмат кўрсатишга чегирмалар; $И_{\Delta w}$ - исроф бўлувчи электр энергия нархи.

Аммортизация чегирмалари капитал таъмирни амалга ошириш учун зарур бўлган харажатлар ва ишдан чиққан ёки эскирган жиҳозларни алмаштириш учун тўпланувчи маблағлардан ташкил топади. Жиҳознинг хизмат кўрсатиш даври қанча қисқа бўлса, аммортизация чегирмаси шунчалик кўп бўлади. Жорий таъмир чегирмалари жиҳозни ишлайдиган ҳолатда тутиб туриш учун фойдаланилади. Жорий таъмир мобайнида изоляторлар алмаштирилади, таянч ва нимстанция жиҳозларининг сиртлари бўялади, катта бўлмаган бузилишлар тузатилади. Ишдан чиқишнинг олдини олиш учун барча жиҳозлар текширилиб ва даврий тарзда синовдан ўтказилиб турилади. Бу тадбирлар ҳам жорий таъмир чегирмалари ҳисобидан молияланади. Хизмат кўрсатиш чегирмалари бевосита ходимларнинг маоши, транспорт ва аълоқа воситалари, ходимларнинг яшаш уйлари ва ҳ.к. учун сарф қилинади.

Аммортизация ва жорий таъмир қўшимча харажатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$И_а = \alpha_а K, \quad (15.4)$$

$$И_т = \alpha_а K, \quad (15.5)$$

бу ерда $\alpha_а$- нисбий бирликдаги аммортизация чегирмалари, 1/йил;

$\alpha_т$- нисбий бирликдаги жорий таъмир чегирмалари, 1/йил.

Бир йил давомида исроф бўлувчи электр энергиянинг нархи қуйидагича ҳисобланади:

$$И_{\Delta w} = \beta \Delta W, \quad (15.6)$$

бу ерда ΔW- электр энергия исрофи, кВт.соат; β- исроф бўлувчи 1 кВт.соат электр энергиянинг нархи.

Техник-иқтисодий кўрсаткичларга, шунингдек, электр энергияни узатишнинг тан нархи ҳам киради ва у қуйидагича аниқланади:

$$C=И/W, \qquad (15.7)$$

бу ерда *И*- электр тармоқдан фойдаланиш харажатлари; *W*- бир йил давомида истеъмолчи тармоқдан олган электр энергия.

Синов саволлари

1. Электр системаси ва тармоқларини лойиҳалашининг вазифалари нималардан иборат?
2. Босқичсиз лойиҳалаш нима? Унда қандай масалалар ҳал этилади?
3. Автоматик лойиҳалаш системаси нима? Унинг афзалликлари нимада?
4. Электр тармоқларини лойиҳалаш қандай масалаларни ечишни назарда тутади?
5. Электр тармоқларни лойиҳалашда фойдаланилувчи асосий иктисодий кўрсаткичларга нималар киради?
6. Капитал маблағ нима? У қандай аниқланади?
7. Йиллик фойдаланишдаги қўшимча харажатлар нима? У қандай аниқланади?
8. Электр тармоқлардаги энергия исрофи қандай аниқланади? Иқтисодийлик энергия исрофига қандай боғланган?
9. Электр энергиянинг тан нархи нима? У қандай аниқланади?
10. Йил давомида исьеъмолчиларга тармоқ орқали узатилувчи энергия қандай аниқланади?

15 – маъруза

Маруза режаси

1. Электр тармоқ вариантларини капитал маблағ ва қўшимча харажат бўйича солиштириш.
2. Электр тармоқ вариантларини келтирилган харажатлар бўйича солиштириш.
3. Вариантларни солиштиришда ишончлилик даражасини эътиборга олиш.
4. Электр тармоқни лойиҳалаштиришда номинал кучланишни танлаш.

Таянч иборалар: Лойиҳалаш; тармоқни ривожлантириш; капитал маблағ; қўшимча харажат; тан нарх; ишончлилик; оптимал вариант; номинал кучланиш; оптимал кучланиш; кесим юзаси; иқтисодий кесим юзаси; истисодий интервал; рухсат этилган кучланиш исрофи.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

16.1. Вариантларни техник- иқтисодий жиҳатдан солиштириш

Техник иқтисодий жиҳатдан фақат техник талаблар бўйича рухсат этилган, яъни истеъмолчилари талаб этилган сифатдаги ва миқдордаги электр энергияни берилган ишончлиликда оладиган вариантлар солиштирилади.

Техник-иқтисодий жихатдан солиштиришнинг биринчи этапида техник талабларни қаноатлантирувчи вариантлар танланади, иккинчи этапида эса техник-

иқтисодий кўрсаткичлар бўйича уларнинг энг оптимали танланади. Фараз қилайлик, 16.1-расмда тасвирланган вариантларни солиштириш талаб этилади. Энг содда йўл – бу вариантлар учун капитал маблағ ва қўшимча харажатларни аниқлаш ва сўнгра уларни солиштириш. Агар $К_1>К_2$ ва $И_1>И_2$ бўлса, у ҳолда иккинчи вариант танланади. Тез-тез вариантларни солиштириш учун қийинроқ бўлган $К_1>К_2$, $И_1<И_2$ (ёки тескари) ҳолатлар учраб туради.



16.1-расм. Тармоқ схемасининг вариантлари:
а – радиал; б – ёпиқ

Тармоқ схемаси вариантларини солиштириш *капитал маблағларнинг нисбий иқтисодий самарадорлигини* ҳисоблаш асосида амалга оширилади. Энг афзал вариантни аниқлашнинг иқтисодий мезони бўлиб қуйидаги формула бўйича топилувчи *келтирилган харажатлар* минумими ҳисобланади:

$$З=p_н К+И, \qquad (16.1)$$

бу ерда $К$- капитал маблағлар; $И$- йиллик фойдаланишдаги харажатлар. $И$ кўрилаётган вақт давомида ўзгармас деб қаралади; $p_н$ - капитал маблағлар нисбий самарадорлигининг норматив коэффициенти, $p_н=0,12$ 1/йил.

Келтирилган харажатлар энг кичик бўлган вариант энг афзал, яъни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ вариант ҳисобланади. Бу вариант учун қуйидагича ёзиш мумкин:

$$min_i\, З_i= min_i\, (p_н К_i+И_i), \qquad (16.2)$$

бу ерда i - вариант номери.

Агар қурилиш бир неча йил давом этса ва йиллик фойдаланиш харажатлари ҳар йил учун турлича бўлса, у ҳолда биринчи йилга келтирилган харажатлар қуйидагича аниқланади:

$$З=\sum_{t=1}^{T}\frac{p_н K_t+\delta И_t}{(1+p_{н.к})^{t-1}}, \qquad (16.3)$$

бу ерда T - тармоқни қуриш даври бўлиб, бу даврдан сўнг капитал маблағ ишлатилмайди, фойдаланишдаги харажатлар эса йиллар бўйича ўзгармайди ва $И_t$ га тенг бўлади; $К_t$, U_t - ҳисобланаётган даврнинг t-чи йили учун капитал маблағлар ва йиллик фойдаланишдаги харажатлар; $p_{н.к}$=0,08 - ҳар хил даврдаги харажатларни келтириш нормативи; $\delta U_t=U_t-U_{t-1}$ - t-чи йил учун фойдаланишдаги харажатларнинг $(t-1)$ - чи йилдагига нисбатан ўзгариши.

Агар солиштирилаётган вариантлар электр билан таъминлашда ишончлилик даражаси бўйича катта фарқ қилса, келтирилган харажатлар таркибига электр энергияни етказиб беролмасликдан кўриладиган зарар киритилиши зарур.

Кичик электр тармоқлари ёки алоҳида объектларни солиштирганда келтирилган харажатлар орасидаги фарқ 5% дан кичик бўлганда улар иқтисодий жиҳатдан тенг деб

ҳисобланади. Бунда албатта солиштирилаётган вариантлар учун бир хил бўлган элементлар ҳисобга олинмаслиги лозим. Иқтисодий жиҳатдан тенг бўлган вариантлар орасидан бирини танлаш уларнинг иқтисодий эквивалент сифатида тасвирлаб ва келтирилган харажатларга киритиб бўлмайдиган хоссаларини муҳандислик жиҳатидан баҳолаш асосида амалга оширилади. Бунда тармоқнинг тараққиёт истиқболлари, фойдаланишдаги қулайлик, материалларнинг тақчиллиги, қўлланилаётган жиҳозларнинг ялпилиги ва бошқа факторлар ҳисобга олинади.

16.2 Электр тармоқ вариантини ишончлилик даражасини ҳисобга олиб танлаш

Электр тармоқ ривожланишининг солиштирилувчи барча вариантлари истеъмолчиларга бир хил даражада электр энергия етказиб берилишни таъминлаши керак. Ҳар бир вариантда белгиланган вазифаларни фойдаланиш кўрсаткичларини норматив ҳужжатларда келтирилган даражада сақланишини кўзда тутувчи ишончлиликни таъминлаш лозим. Электр билан таъминлашда ишончлиликка қўйиладиган талаблар “Электр қурилмаларининг ўрнатилиш қоидалари” (ЭҚЎҚ) бўйича электр қабул қилгичларнинг тоифаларига мувофиқ белгиланади. ЭҚЎҚга мувофиқ барча электр қабул қилгичлар талаб этилувчи ишончлилик даражаси бўйича уч тоифага бўлинади.

I тоифага электр билан таъминлашнинг бузилиши кишилар ҳаёти учун хавф, халқ хўжалигига катта зарар кўрилишига, ёй сўндирувчи асосий жиҳозларнинг ишдан чиқишига, маҳсулотни ялпи брак бўлишига, мураккаб технологик жараёнларнинг издан чиқишига, коммунал хўжаликнинг ўта муҳим элементларини фаолият кўрсатишини бузилишига олиб келадиган электр қабул қилгичлар киради. Бундай электр қабул қилгичлар электр энергия билан ўзаро резервланган иккита мустақил манъбадан таъминланиши шарт. Бундай мустақил манъбалар бўлиб, жумладан, битта нимстанциянинг иккита манъбадан таъминланувчи иккита шиналар системаси ёки секцияси ҳисобланиши мумкин. I тоифа истеъмолчиларини электр билан таъминлашдаги узилиш резерв таъминотни автоматик киритиш вақти давомида рухсат этилади.

II тоифа электр қабул қилгичларга узилиб қолиши ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг сусайишига, ишчилар, механизмлар ва саноат тарнспортларини ишсиз туриб қолишига, шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг нормал фаолиятининг бузилишига олиб келадиган электр қабул қилгичлар киради. Бундай электр қабул қилгичларни иккита ўзаро резервланувчи мустақил манъбалардан таъминлаш тавсия этилади. Бунда электр билан таъминланишдаги узилиш резерв манъбани навбатчи персонал ёки кўчма бригада томонидан улашга кетгунча вақт давомида рухсат этилади. II тоифа электр қабул қилгичларни битта электр узатиш йўли, шунингдек битта трансформатор орқали, агар улар ишдан чиққан тақдирда уни икки соатдан ортиқ бўлмаган вақт давомида бартараф этиш имкони мавжуд бўлганда, рухсат этилади.

III тоифа электр қабул қилгичларига қолган барча электр қабул қилгичлар киради. Бундай электр қабул қилгичларни битта манъбадан электр билан таъминлаш узилиш юз берганда уни бартараф этиш, яъни ишдан чиққан элементни таъмирлаш ёки алмаштириш учун лозим бўлган вақт бир суткадан ошмаслик шарти билан амалга оширилиши мумкин.

I тоифа истеъмолчилари учун электр билан таъминлашдаги узилиш кўриладиган зарар иқтисодий эквивалент сифатида ифодалаш мумкин бўлмаган асоратлар билан боғлиқдир. I ва II тоифа истеъмолчиларини таъминловчи электр тармоқ схемасининг ишончлилик даражасини баҳоловчи критерий сифатида ишончлиликнинг қуйидаги техник кўрсаткичлари қабул қилинган: ишдан чиқиш оқими параметри (йиллик ўртача ишдан чиқишлар они) ω, иш.ч./йил; электр билан таъминлашнинг қайта тикланиш ўртача вақти
$T_т$, йил/иш.ч.; йил давомида ишдан чиқмаслик эҳтимоллиги p, нисб. бирл.

Ишончлилик назариясида қуйидаги тушунчалар фойдаланилади:

ишлаш қобилияти – системанинг белгиланган функцияни талаб этилган режим параметрлари таъминланган ҳолда бажара олиш қобиляти;

ишдан чиқиш – иш қобилятининг бузилиши; ишдан чиқмаслик – системанинг ишлаш қобилиятини белгиланган вақт оралиғида мажбурий узилишларсиз сақлаб қолиш хоссаси.

II тоифа истемолчиларида электр билан таъминлашдаги узилиш кўриладиган зарар иқтисодий эквивалент кўринишда ифодаланиши мумкин бўлган асоратларга олиб келади. Бунда электр билан таъминлашдаги узилишдан кутиладиган йиллик ўртача халк хўжалик зарари $У$ (минг сўм/йил) келтилилган харажат ифодасига киритилади:

$$З=p_нК + И + У \qquad (16.4)$$

Авария (мажбурий) натижасида электр билан таъминлашнинг бузилишидан кўриладиган йиллик ва ўртача зарар қуйдагича топилади:

$$У_м=\omega T_т P_{экат}\varepsilon_ю У_{ом}\ , \qquad (16.5)$$

Бу ерда $P_{экат}$ - нормал ҳолатдаги энг катта умумий юклама, кВт; $\varepsilon_ю$ - истеъмолчи юкламасининг чегаравий коэффициенти; $У_{ом}$ - электр билан таъминлашнинг мажбурий узилишидан кўриладиган ўртача йиллик солиштирма зарар, минг сум/(кВт.йил).

ω ва $T_т$ нинг қийматлари қўлланмалардан олинади.

$\varepsilon_ю$ - олинган ишдан чиқишда узилиб қоладиган юкламани нормал ҳолатдаги умумий энг катта юкламасига нисбатига тенг. Электр билан таъминлаш тўлиқ узилганда $\varepsilon_ю$=1, тўлиқ резервланган тақдирда ишдан чиқиш юз берса, юклама талаб этувчи қувватни олаверади ва бунда $\varepsilon_ю$=0.

$У_{ом}$ юкламанинг таркиби ва $\varepsilon_ю$ га боғлиқ равишда типик боғланишлардан аниқланади.

16.3. Номинал кучланишни танлаш

Электр тармоқнинг номинал кучланиши унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларига кучли таъсир этади. Масалан, номинал кучланиш ошса, қувват ва электр энергия исрофи, яъни фойдаланишдаги харажатлар камаяди, ўтказгичларнинг юғонликлари камаяди, ЭУЛ орқали узатилувчи чегаравий қувватлар ортади, тармоқнинг келажакдаги тараққиёти енгиллашади, бироқ, тармоқни қуриш учун капитал маблағ ортади. Кичик номинал кучланишдаги тармоқ аксинча – кичик капитал харажатларни талаб этади, бироқ, қувват ва электр энергия исрофининг ортиши фойдаланишдаги сарфларни ортишига ва бундан ташқари узатиш қобилиятининг камайишига олиб келади. Бундан лойиҳалаштиришда номинал кучланишни тўғри танлашнинг муҳимлиги келиб чиқади.

Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ номинал кучланиш қуйдаги қатор факорларга боғликдир: юклама қуввати, уларнинг таъминлаш марказларидан узоқлиги, уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви, тармоқланган конфигурацияси, кучланишни ростлаш усуллари ва бошқалар. Номинал кучланиш $U_{ном}$ нинг тахминий қийматини узатилувчи қувват ва у узатиладиган масофа бўйича аниқлаш мумкин. Номинал кучланишни қуйидаги усуллар бўйича тахминий баҳолаш мумкин: а) типик боғланишлар бўйича; б) эмпирик ифодалар бўйича; в) жадвал бўйича. Типик боғланишлар ва жадваллар қўлланмаларда келтирилган.

Номинал кучланишни узатилувчи қувват P (МВт) ва ЭУЛ узунлиги L (км) маълум бўлганда Стилл формуласи бўйича топиш мумкин:

$$U_{ном}=4{,}34\sqrt{L}+16P \qquad (16.6)$$

Бу формула узунлиги 250 км гача ва узатилувчи қувват 60 МВт дан ошмаган ЭУЛ лар учун қўлланилиши мумукин.

Узатилувчи қувватлар катта бўлган узунлиги 1000 км гача бўлган ЭУЛ лар учун А.М.Заллеский фомуласидан фойдаланиш мумкин:

$$U_{ном}=\sqrt{P(100+15\sqrt{L}} \qquad (16.7)$$

Г.А.Илларионов томонидан бу мақсадларда фойдаланилувчи қуйидаги формула таклиф этилган:

$$U_{ном}=\frac{1000}{\sqrt{500/L+2500/P}} \qquad (16.8)$$

(16.6), (16.7) формулаларидан фарқли равишда (16.8) формуласи 35 кВ дан 1150 кВ гача бўлган барча номинал кучланишлар шкаласи учун қониқарли натижани беради.

Лойиҳалаштирилаётган электр тармоқ ёки унинг алоҳида участкалари турли номинал кучланишларда бўлиши мумкин. Халқасимон электр тармоқлар участкалари учун, одатда номинал кучланишни бир хил қилишга ҳаракат қилинади.

График, жадвал ёки формулалардан бири бўйича топилган кучланиш энг яқин номинал кучланишига яхлитланади. $U_{ном}$ нинг қиймати аниқлангандан сўнг ҳар бир конкрет тармоқ учун чекланган миқдордаги ҳар хил номинал кучланишли вариантлар мўлжалланади ва сўнгра улар техник-иқтисодий жиҳатдан солиштирилади. Бу вариантлар учун келтирилган харажатларни солиштириш натижасида бутун тармоқ ёки унинг алоҳида участкаларини номинал кучланиши танланади.. Агар келтирилган харажатлар орасидаги фарқ 5% дан кичик бўлса $U_{ном}$ катта бўлган вариант танланган.

Синов саволлари

1. Нима мақсадда электр тармоқлари иқтисодий жиҳатдан солиштирилади?
2. Келтирилган ҳисобий харажатлар нима? Улар қандай аниқланади?
3. Капитал маблағ нисбий эффективлигининг норматив коэффициенти нима? У қандай аниқланади?
4. Агар электр тармоғининг қурилиши бир вақтда якунланиб, ишга туширилса, у иқтисодий жиҳатдан қандай солиштирилади?
5. Агар лойиҳа бўйича электр тармоқнинг қурилиб, ишга туширилиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилса, у иқтисодий жиҳатдан қандай солиштирилади?

6. Электр тармоқларини лойиҳалашда истеъмолчиларнинг муҳимлик даражаси қандай ҳисобга олинади?
7. Муҳимлик бўйича бўйича электр истеъмолчилари қандай тоифаларга бўлинади? Турли тоифадаги электр истеъмолчилари нима билан характерланади?
8. Истеъмолчини электр билан таъминлашнинг бузилиши натижасида кўрилувчи зарар қандай аниқланиши мумкин?
9. Электр тармоқларни лойиҳалашда номинал кучланиш қандай аниқланади?
10. Номинал кучланишни танлаш учун фойдаланилувчи империк формулаларнинг маъносини тушунтиринг.

16 – маъруза

Маруза режаси

1. Ўтказгичларнинг кесим юзаларини токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш.
2. Ўтказгичларнинг кесим юзаларини иқтисодий интерваллар усули бўйича танлаш.
3. Ўтказгичларнинг кесим юзаларини рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича танлаш.

Таянч иборалар: Лойиҳалаш; тармоқни ривожлантириш; капитал маблағ; қўшимча харажат; тан нарх; ишончлилик; оптимал вариант; номинал кучланиш; оптимал кучланиш; кесим юзаси; иқтисодий кесим юзаси; истисодий интервал; рухсат этилган кучланиш исрофи.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

17.1. Ўтказгичлар ва кабелларнинг кўндаланг кесим юзаларини токнинг иқтисодий зичлиги ва иқтисодий интерваллар бўйича танлаш

Кесим юзаларини токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш. 17.1-расмда тасвирланган ЭУЛ ўтказгичининг оптимал кесим аъзосини танлашни кўриб ўтамиз.

Кесим юзаси ЭУЛнинг муҳим параметридир. ЭУЛ ўтказгичларининг кесим юзаларини ортиши билан уни қуришдаги харажатлар ва улардан чегирмалар ортади. Бир вақтда электр энергия исрофи ва унинг йиллик нархи камаяди.

Келтирилган харажатлар функцияси

$$З(F)=p_н K+И \qquad (17.1)$$

нинг минималига $F_{ик}$ тўғри келади.



17.1-расм. Келтирилган харажатларни ЭУЛ ўтказгичлари кесим юзасига боғлиқлиги:
а - бир занжирли ЭУЛ; б - икки занжирли ЭУЛ; в - келтирилган харажатнинг ташкил этувчилари.

ЭУЛнинг нархи унинг узунлигига боғлиқ:

$$K=к_0L\ . \qquad (17.2)$$

Бу ерда L - ЭУЛнинг узунлиги, км;; $к_0$-солиштирма капитал маблағ;

$$K_0=a+вF, \qquad (17.3)$$

бу ерда a - ЭУЛ нинг 1 км узунлиги учун кесим юзасига боғлиқ бўлмаган капитал маблағ (йўлларни қуриш, трассаларни тайёрлаш; ботқоқликларни қуритиш ва ҳ.к.); $вF$ - солиштирма капитал маблағнинг ўтказгич кесим юзасига пропорционал бўлган қисми (металл, таянч, арматура ва ҳ.к. нархи).

(17.1) даги $И$ нинг кесим юзасига боғланишини таҳлил қиламиз.

Хизмат кўрсатиш қўшимча харажатлари амалда ўтказгичларнинг кесим юзасига боғлиқ эмас. Электр энергия нархи эса кесим юзасига боғлиқдир:

$$И_{\Delta w}=\beta\Delta W=\beta\Delta P_{экат}\tau=\beta 3I^2_{экат}r_л\tau=3\beta I^2_{экат}\rho L\tau/F, \qquad (17.4)$$

бу ерда $I_{экат}$ - ЭУЛнинг энг катта ишчи токи; ρ - ўтказгич материалларининг солиштирма қаршилиги; β - бирлик электр энергия исрофининг нархи; τ - энг катта исрофлар вақти.

Аммортизация ва жорий таъмир учун фойдаланишдаги харажатлар кесим юзасига боғлиқ бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$И_a+И_m=\alpha_э K=\alpha_э(a+вF)L, \qquad (17.5)$$

бу ерда $\alpha_э$ - амортизация ва жорий таъмир учун йиллик чегирма.

(Б.20) ва (Б.21) ни (Б.17) га қўйсак, қуйидагига эга бўламиз:

$$З(F)=(a+вF)(p_н+\alpha_э)L+\beta 3I^2_{экат}\rho L\tau/F=З_1+З_2\ . \qquad (17.6)$$

$З(F)$ни F бўйича дифференциаллаб ва ҳосилани нулга тенглаб, харажатлар функциясининг минимум шартини топамиз (Б.1,6-расм).

$$\partial З/\partial F=(p_н+\alpha_э)вL-\beta 3I^2_{экат}\rho L\tau/F^2_{иқ}=0 \qquad (17.7)$$

Бундан

$$F_{иқ}=I_{экат}\sqrt{3\beta\rho\tau/[в(P_н+\alpha_э)]} \qquad (17.8)$$

Токнинг иқтисодий зичлиги – ЭУЛда оқувчи энг катта токнинг иқтисодий зичликка нисбати:

$$j_{иқ}=I_{экат}/F_{иқ} \qquad (17.9)$$

(Б.24), (Б.25) дан келиб чикадики,

$$j_{ик}=\sqrt{в(P_н+\alpha_э)/3\beta\rho\tau} \qquad (17.10)$$

Бу ерда (17.10) фақатгина $j_{иқ}$ нинг маъносини тушуниш учун келтирилган бўлиб, у $j_{иқ}$ аниєлаш учун фойдаланилмайди.

ЭҚЎҚга мувофиқ $j_{иқ}$ ўтказгичнинг тури ва максимал юкламадан фойдаланиш вақти $T_{экат}$ га боғлиқ равишда танланади.

Амалда ЭУЛ кесим юзасини танлаш учун аввало жадвалдан $j_{иқ}$ топилади, сўнгра иқтисодий кесим юзаси ҳисобланади.

$$F_{ик}=I_{экат}/j_{иқ} \qquad (17.11)$$

(Б.27) дан аниқланган $F_{иқ}$ стандарт кесим юзасигача яхлитланади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, кесим юзасининг $F_{иқ}$ дан оғиш келтирилган харажатларни сезиларли ўзгаришига олиб келмайди, чунки $З=f(F)$ боғланиш аниқ ифодаланган минимумга эга эмас. (17.11) даги $I_{экат}$ - нормал ҳолат токи. $j_{иқ}$ ни топишда

авариядан кейинги ҳолат токи ҳисобга олинмайди. Чунки бундай ҳолатлар қисқа вақт давомида амал қилади.

$j_{иқ}$ нинг қўлланилиш соҳаси. Кўп йиллар давомида токнинг иқтисодий зичлиги 1 кВ дан юқори кабелли ва 35-500 кВ ҳаводаги ЭУЛнинг кесим юзасини танлашда қўлланилди. Ҳозирги даврда токнинг иқтисодий зичлиги бўйича $U_н$>1 кВ бўлган кабелли ва 6-10 кВ ҳаводаги ЭУЛ кесим юзалари танланади.

Токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танланган кесим юзалари иссиқлик, рухсат этилган кучланиш исрофи $\Delta U_{рух}$ ва механик мустаҳкамлик бўйича текшириб кўрилади. Агар $j_{иқ}$ бўйича танланган ўтказгичнинг кесим юзаси бошқа шартлар бўйича талаб этилган кесим юзасидан кичик бўлса, бу шартлар билан белгиланган энг катта кесим юзасини танлаш лозим.

Қуйидаги ҳолларда кесим юзасини токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш мумкин эмас: 1 кВ гача кучланишли ва энг катта юклама вақти 4000-5000 соат бўлган саноат корхоналари электр тармоқлари; 1000 В гача кучланишли алоҳида электр қабул қилгичларга чиқувчи шохобчалар, саноат корхоналари, яшаш ва жамият биноларининг ёритиш тармоқлари; вақтинчалик ва шунингдек 3-5 йил муддатга хизмат қиладиган электр қурилмалар тармоқлари. Сўнгги йилларда 35 кВ ва ундан юқори номинал кучланишли хаводаги ЭУЛнинг кесим юзалари токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танланмайди. Амалда 35-750 кВ кучланишли ҳаводаги ЭУЛнинг кесим юзаси ток ва қувватнинг иқтисодий интерваллари бўйича танланади.

1 кВ ва ундан юқори кучланишдаги кабелли ЭУЛда токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танланган кесим юзалари иссиқлик, рухсат этилган кучланиш, кучланишнинг оғиши ва қисқа туташув токларида термик турғунлик бўйича текширилади.

$j_{иқ}$ бўйича кабелли ЭУЛнинг кесим юзаларини танлашда фақат (17.8) даги каби $I_{экат}$ дан эмас, балки ЭУЛдан фойдаланиш жараёнида юклама ўзгаришини ҳисобга олувчи ҳисобий ток юкламасидан, шунингдек энг катта юкламадан фойдаланишдаги соатлар сонидан ҳам фойдадаланиш тавсия этилади. Ҳисобий ток юкламаси, шунингдек 35-750 кВ кучланишли ҳаводаги ЭУЛ кесим юзасини иқтисодий интерваллар бўйича танлашда ҳам фойдаланилади.

Ҳаводаги ЭУЛ кесим юзаларини иқисодий интерваллар бўйича танлаш. Кесим юзасини токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш қирқинчи йиллардан бошлаб фойдаланилиб, ўз вақтида прогрессив ҳисобланган, чунки у нафақат ЭУЛ қуришдаги капитал маблағни, балки электр энергия исрофини ҳам ҳисобга олиш имконини беради. Ушбу афзалликларга қарамасдан кесим юзасини токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш маълум хатоликларга олиб келади. Биринчидан, $j_{иқ}$ учун (17.10) ифода капитал маблағнинг ЭУЛ узунлигига туғри чизиқли боuланишини кўзда тутади. Тўғри чизиқли боғланиш унификацияланган таянчлардан фойдаланувчи ЭУЛларни ялпи қуришга ўтиш билан бузилади. Саноат ҳар бири бир неча хил стандарт ўтказгичларни осишга мўлжалланган чекланган миқдорда унификацияланган типдаги таянчларни ишлаб чиқаради. Бунга мос равишда бир хил типдаги унификацион таянчларда ўтказгич кесим юзасини ўзгариши билан капитал маблағ ўзгариши кўп материал ва монтажни талаб этувчи навбвтдаги таянч типига ўтишидагига нисбатан анча камдир. Иккинчидан, $j_{иқ}$ учун ифодани ҳосил қилишда келтирилган харажатлар ифодаси (17.6) да кесим юзаси узлуксиз деб ҳисобланган. Амалда эса кесим юзаси дискрет равишда ўзгаради ва шу

сабабли уни (17.7) шартидан топиш мумкин эмас. Учинчидан, (17.6) ифодада энг катта ток $I_{экат}$ ўзгармас деб ҳисобга олинган. Амалда бундай эмас. Ҳар хил ЭУЛлар учун $I_{экат}$ ҳар хилдир ва (17.6) да $I_{экат}$ ни ўзгарувчан деб ҳисоблаш лозим. Бундай ҳолда иқтисодий кесим юзаси нафақат *З* нинг *F* бўйича ҳосиласини нулга тенглик шарти (17.7) дан, балки *З* нинг энг катта ток бўйича ҳосиласининг ҳам нулга тенглик шарти (17.7) дан топилиши лозим.

Юқорида кўрсатилган камчиликлардан бартараф бўлган кесим юзасини танлаш усули «Иқтисодий интерваллар усули» номини олган.

Ўтказгич кесим юзасини танлаш учун ток юкламаларининг иқтисодий интерваллари қуйдагича аниқланади. 35-750 кВ ли ҳаводаги ЭУЛ нинг турли хил стандарт юзали ўтказгичлари учун келтилиган харажатларнинг ЭУЛ токи $I_{экат}$ га боғланишлари қурилади. Ҳар бир кесим юзаси учун келтирилган харажатлар (Б.22) бўйича аниқланади. (17.6) ни қуйдагича ёзиш мумкин:

$$З=(p_н+\alpha_э)K+3I^2_{экат}r_л\tau\beta \qquad (17.12)$$

17.2-расмда ҳисобланган харажатларнинг боғланишлари F_1, F_2 ва F_3 кесим юзалари учун кўрсатилган. Бунда $F_3 > F_2 > F_1$.

F_1 ва F_2 эгри чизиқларнинг кесишиш нуқтаси юзалар F_1 ва F_2 бўлган вариантларда келтирилган харажатлар тенг бўладиган $I_{э.кат1}$ энг катта токни аниқлайди. Агар ЭУЛ токи $I_{э.кат1}$ дан кичик бўлса, у ҳолда энг кичик харажатлар F_1 кесим юзасига тўғри келади, яъни айнан шу кесим юзани танлаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Агар ток $I_{э.кат1}$ ва $I_{э.кат2}$ оралиғида бўлса, иккинчи кесим юза F_2, $I_{э.кат2}$ дан катта бўлса учинчи кесим юза F_3 иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.



17.2-расм. Иқтисодий интерваллари қуриш.

Токнинг иқтисодий интервалларидан фойдаланилганда ЭУЛнинг энг катта токи тушунчасини аниқлаштириш керак. Ўтказгичларнинг юзаларини токнинг қуйидаги формула бўйича аниқланувчи ҳисобий юкламаси бўйича танлаш лозим.

$$I_ҳ=I_{э\ кат}\alpha_i\alpha_m\ , \qquad (17.13)$$

бу ерда $I_{э.кат}$ - фойдаланишнинг бешинчи йилида ЭУЛнинг нормал ҳолатдаги токи. У таъминловчи ва тақсимловчи тармоқ ЭУЛлари учун электр системасининг максимал юкламали ҳолатини ҳисоблаш натижасида аниқланади; α_i - ЭУЛ йиллар давомида фойдаланишда юклама ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент; α_m - унинг максимал

юкламадан фойдаланиш вақти $T_{э.кат}$ ва унинг энергетика системаси максимумиги тўғри келиши $K_м$ ни ҳисобга олувчи коэффициент.

110-220 кВ ЭУЛлар учун α_i нинг қиймати 1,05 га тенг қилиб, бундан юқори кучланишдаги ЭУЛ учун бу коэффициент қиймати эса жадвалдан олинади.

35-750 кВ ЭУЛларининг кесим юзалари учун токнинг иқтисодий интерваллари қўлланмаларда жадвал кўринишида келтирилган бу жадваллар барча стандарт кесим юзалари ва ҳар хил регионлар учун тузилган.

17.2. Тақсимловчи тармоқларда ЭУЛнинг кесим юзасини рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича аниқлашнинг характерли хусусиятлари

Тақсимловчи электр тармоқларида рухсат этилган кучланиш исрофини деб унинг шундай қийматига айтиладики, кучланишни ростлаш натижасида электр қабул қилгичдаги кучланиш оғиши ДавСт да белгиланган техник рухсат этилган қийматлардан ошиб кетмайди. Тақсимловчи электр тармоқда рухсат этилган кучланиш исрофи доимо энг катта кучланиш исрофидан кичик бўлмаслиги, яъни қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$\Delta U_{э.кат} \leq \Delta U_{рух} \qquad (17.14)$$

Таъминлаш манъбаси кучланиши тахминан ўзгармасдир. Агар $\Delta U_{э\ кат} \leq \Delta U_{рух}$ бўлса, у ҳолда чекка тугундаги кучланиш қиймати рухсат этилмайдиган даражада бўлади. 0,38-20 кВ тақсимловчи электр тармоқларда ЭУЛ кесим юзаси (17.14) нинг бажариш шартидан келиб чиқиб танланади. Агар лойиҳалаштиришда ЭУЛ ўтказгичининг кесим юзаси F ни оширсак, актив ва реактив қаршиликлар ҳамда бунга мос равишда , энг катта кучланиш исрофи камаяди, чунки

$$\Delta U = (Pr + Qx) / U_н \qquad (17.15)$$

Ўтказгичларнинг солиштирма актив қаршилиги кесим юзасига тескари пропорционал равишда ўзгаради, реактив қаршилиги эса, кесим юзасига заиф боғланган. Таъминловчи электр тармоқларда F нинг ўзгариши билан x_o кам ўзгаради ва $x_0 > r_0$. Бундай тармоқларда U ни ростлаш имкониятлари кўп ва ΔU ни камайтириш учун F ни ўзгартириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли F ни танлашда (17.14) ҳисобга олинмайди. Тақсимловчи электр тармоқларда $r_0 > x_0$. Кесим юзаси ортганда r_0 ва бунга мос равишда кучланиш исрофи жадал камаяди. Бундай тармоқларда кучланишни ростлаш имкониятлари кўп эмас ва шу сабабли F ни танлашда (17.14) шарти ҳисобга олинади.

0,38-20 кВ тақсимловчи электр тармоқларида кесим юзаларини танлашнинг характерли хусусиятлари F ни танлашда иқтисодийлик, рухсат этувчи кучланишлар ва ўтказгични қизиши шартларини ҳисобга олиш лозимлиги билан белгиланади. 1 кВ гача бўлган тармоқларда (17.1 параграфда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари) ва 6-20 кВ тармоқларда иқтисодийлик ($j_{иқ}$ бўйича), рухсат этилган кучланиш $\Delta U_{рух}$ ва иссиқлик шартлари бўйича аниқланади.

Шуни белгилаш лозимки, кесим юзасини турли шартлар бўйича аниқлашда бир хил натижани берувчи бир неча алгоритмлардан фойдаланиш мумкин. Биринчи алгоритм ўтказгич кесим юзасини аввало битта энг асосий шарт , масалан $j_{иқ}$ бўйича, танлаш ва

сўнгра уни бошқа шартлар , масалан иссиқлик ва ҳ.қ. бўйича, текширишни назарда тутади. Иккинчи алгоритм эса стандарт кесим юзасини, аввало, ҳар бир шарт бўйича аниқлаш ва сўнгра улардан энг каттасини танлашни назарда тутади. Одатда, нисбатан соддароқ бўлган биринчи алгоритм қўлланилади.

ЭУЛ кесим юзасини рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича танлаш тармоқ фақат битта участкага эга бўлганда етарлича соддадир. Бундай ҳолда (17.15) бўйича аниқланувчи рухсат этилган кучланиш ўтказгич кесим юзасини белгилайди. Тармоқ бир нечта участкалардан ташкил топган ҳолат учун кесим юзаларини тўғридан-тўғри $\Delta U_{рух}$ бўйича танлаш мумкин эмас. Бундай ҳолларда тармоқ учун F ни танлашда (17.14) дан ташқари билвосита иқтисодий шартларни ифодаловчи қўшимча шартлар ҳам қўйилиши лозим. Бу шарт , масалан давомида бир нечта юкламалар бўлган ЭУЛ учун бир хил кесим юзасини танлашнинг мақсадга мувофиқлиги, қатор ҳолларда бутун ЭУЛ бўйича металл сарфи ёки қувват исрофининг минимумлиги бўлиши мумкин. Кучланишни танлашнинг барча учала кўриб чиқилган усуллари рухсат этилган кучланиш исрофи билан белгиланади. Улардан ҳар бири (17.14) ва тақсимловчи тармоқларда кесим юзасини танлашда ушбу усулни қўлланиш соҳасини белгиловчи яна бир шартни қаноатлантиради.

Ҳар бир шарт бажарилган ҳолда кесим юзасини рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича танлашни таҳлил қиламиз.

Кесим юзасини ЭУЛнинг барча участкаларида бир хил бўлиши шарти бўйича танлаш ($F_{кj}=const=F$). Бу шарт шаҳар электр тармоқларида ўтказгич ва кабелларнинг кесим юзаларини танлашда қўлланилади. Ўтказгичлар кесим юзаларининг тенглиги электр тармоқ ёки унинг участкаларини қуриш ва монтаж қилиш учун энг қулай шароитни вужудга келтиради. Бундай тизим бир-бирига яқин жойлашган кўп миқдордаги юкламаларга эга бўлган ЭУЛлар учун алоҳида афзалликларга эга.

ЭУЛ тузилиши ва ўтказгичларининг маркалари аниқланган (кесим юзасидан ташқари). $к$-чи тугун қуввати $S_к$, тугунлар ораларидаги масофа $l_{кj}$, рухсат этилган кучланиш исрофи $\Delta U_{рух}$ маълум.

ЭУЛда энг катта кучланиш исрофи қуйидагича топилади:

$$\Delta U_{э.кат}=\sum_{\substack{k=1\\j=2}}^{m}\frac{P_{kj}r_{kj}+Q_{kj}x_{kj}}{U_н}=\frac{\sum\limits_{\substack{k=1\\j=2}}^{m}P_{kj}r_{kj}}{U_н}+\frac{\sum\limits_{\substack{k=1\\j=2}}^{m}Q_{kj}x_{kj}}{U_н}\ , \qquad (17.16)$$

бу ерда $к$-ЭУЛ участкасининг бошланиши; j-ЭУЛ участкасининг охири; $r_{кi}$, $x_{кi}$-ЭУЛ участкасининг ґаршиликлари; $P_{кj}$, $Q_{кj}$ - ЭУЛ участкасидаги актив ва реактив қувват оқимлари.

ЭУЛда рухсат этилган кучланишни иккита ташкил этувчи кўринишида ифодалаймиз:

$$\Delta U_{рух}=\Delta U_{рух.а}+\Delta U_{рух.р.} \qquad (17.17)$$

бу ерда $\Delta U_{рух.а}$ - (Б.32) даги биринчи ташкил этувчиси бўлиб, у гўё актив қаршиликдаги рухсат этилган кучланиш исрофи; $\Delta U_{рух.р.}$- (17.16) даги иккинчи ташкил этувчи, яъни реактив қаршиликдаги рухсат этилган кучланиш исрофи.

Фараз қилайлик, энг катта кучланиш исрофи рухсат этилган кучланиш исрофига тенг:

$$\Delta U_{рух}=\Delta U_{рух.а}+\Delta U_{рух.р}=\frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} P_{кj} r_{кj}}{U_н}+\frac{\sum\limits_{\substack{ђ=1\\ j=2}}^{m} Q_{кj} x_{кj}}{U_н}; \qquad (17.18)$$

бундан

$$\Delta U_{рух.а}=\frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} P_{кj} r_{кj}}{U_н}; \qquad \Delta U_{рух.р}=\frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} Q_{кj} X_{кj}}{U_н}; \qquad (17.18а)$$

Кесим юзаси ўзгариши билан солиштирма реактив қаршилик x_0 кам даражада ўзгаради (Б.3,г-расм) Шу сабабли тақсимловчи тармоқлар учун, ЭУЛ участкаларида кесим юзаси бир хил бўлганда, кесим юзасини танлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) x_0 учун қиймат қабул қилинади, масалан ҳаводаги ЭУЛ учун x_0=0,4 Ом/км, 6-10 кВ ва 1 кВ гача кабелли ЭУЛ учун эса мос равишда 0,09 ва 0,06 Ом/км;

б) (Б.34а) дан $\Delta U_{рух.р} = \dfrac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} Q_{кj} x_0 l_{кj}}{U_н}$; ҳисобланади;

в) (Б.33) дан $\Delta U_{рух.а}=\Delta U_{рух.}-\Delta U_{рух.р.}$

г) кесим юзаси F аниқланади.

ЭУЛ актив қаршилигидаги рухсат этилган кучланиш исрофи:

$$\Delta U_{рух.а}=\frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} P_{кj} r_0 l_{кj}}{U_н}.$$

Бу формулада $r_0=\dfrac{\rho}{F}=\dfrac{1}{\gamma F}$;

бу ерда ρ- ўтказгичнинг ҳисобий солиштирма қаршилиги; γ - ўтказгичнинг ҳисобий солиштирма ўтказувчанлиги.

Сўнгги иккита ифодадан

$$\Delta U_{рух.а} = \frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} P_{кj} l_{кj}}{\gamma F U_н} = \frac{1}{\gamma F}\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} \sqrt{3} I_{кj} l_{кj} \cos\varphi_{кj} \qquad (17.19)$$

(17.19) дан кесим юзасини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$F=\frac{\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} \sqrt{3} I_{кj\ кj} \cos\varphi_{кj}}{\gamma \Delta U_{рух.а}}. \qquad (17.20)$$

Топилган кесим юзаси F энг яқин стандарт кесим юзасига яхлитланади ва сўнгра у учун (17.14) шартининг бажарилиши текширилади. Агар бу шарт бажарилмаса, у ҳолда кесим юзасини ошириш лозим.

Кесим юзасини қувват исрофини минимумлик шарти бўйича танлаш. Шуни кўрсатиш мумкинки, қувват исрофининг минимумлиги ток зичлигининг ўзгармаслик ҳолатиги тўғри келади, яъни бунда ЭУЛнинг барча участкаларида ток зичлиги бир хил бўлади:

$$j_{\Delta U} = \frac{I_{кj}}{F_{кj}} = const;$$

бу ерда $j_{\Delta U}$ - рухсат этилган кучланиш исрофи бўйича танланувчи ток зичлиги. Бу қўшимча шарт саноат корхоналарининг электр таъминоти системаси тармоқларида кесим юзаларини танлашда фойдаланилади. Бундай тармоқларда ЭУЛ нисбатан қисқа ва юкламалар нисбатан катта, яъни металл сарфи кам, электр энергия исрофи эса кўп. Саноат тармоқларида қувват ва электр энергия исрофини камайтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу ҳолатда фарқ шундан иборатки, участкаларда кесим юзалари $F_{кj}$ ҳар хил, бироқ ток зичлиги $j_{\Delta U}$ бир хил.

Тақсимловчи электр тармоқлари ЭУЛнинг барча участкаларида ток зичлиги бир хил бўлганда ҳисоб қуйидаги тартибда олиб борилади:

а) x_0=0,4 Ом/км қабул қилинади;

б) (17.18а) ва (17.17) ифодалар бўйича $\Delta U_{рух.р}$ ва $\Delta U_{рух.а}$ ҳисобланади.

в) рухсат этилган кучланиш бўйича токнинг зичлиги $j_{\Delta U}$ топилади ва сўнгра ЭУЛнинг барча участкалари учун кесим юзаси аниқланади. (17.19) ифодадан токнинг зичлиги рухсат этилган кучланиш бўйича қуйидагича аниқланади:

$$j_{\Delta U} = \frac{\Delta U_{рух.а}\gamma}{\sqrt{3}\sum\limits_{\substack{к=1\\ j=2}}^{m} I_{кj}\cos\varphi_{кj}}$$

Топилган ток зичлиги бўйича ҳисобий кесим юзаси осон аниқланади:

$$F_{кj} = \frac{I_{кj}}{j_{\Delta U}} .$$

Ҳисобланган кесим юзаси энг яқин стандартига яхлитланади. ЭУЛ участкаларининг актив ва реактив қаршиликлари $r_{кj}$, $x_{кj}$ лар аниқланади. (17.15) бўйича энг катта кучланиш исрофи ҳисобланади ва у (17.14) шарт бўйича текшириб кўрилади. Агар бу шарт бажарилмаса, кесим юзаси оширилади.

Кесим юзасини ЭУЛни қуриш учун ўтказувчи материал сарфининг минимумлик шарти бўйича танлаш. Бу қўшимча шарт металл иқтисоди электр энергия иқтисодига нисбатан муҳимроқ бўлган кам юкланмган ҳолларда, хусусан, қишлоқ электр тармоқларини лойиҳалашда фойдаланилади. n-та юкламага эга бўлган ҳолатда охирги $(n-1)$- участка ЭУЛнинг кесим юзаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$F_{(n-1)n} = \frac{\rho\sqrt{P_{(n-1)n}}}{\Delta U_{рух.а} U_{н}} \sum\limits_{\substack{к=1\\ l=2}}^{n} l_{кj}\sqrt{P_{кj}} ;$$

бу ерда $F_{(n-1)n}$, $P_{(n-1)n}$ - охирги *(n-1)n*- участканинг кесим юзаси ва ундаги қувват оқими; $P_{кj}$, $l_{кj}$ -*кj* участканинг қувват оқими ва узунлиги; ρ- ўтказгичнинг ҳисобий солиштирма юкламаси.

Қолган участкаларнинг кесим юзалари қуйидаги муносабатлар асосида топилиши мумкин:

$$\frac{F_{12}^2}{P_{12}} = \frac{F_{23}^2}{P_{23}} = \ldots = \frac{F_{(n-2)(n-1)}^2}{P_{(n-2)(n-1)}} = \frac{F_{(n-1)n}^2}{P_{(n-1)n}} \ .$$

Танлаш жараёнининг навбатдаги иши, юқорида кўрилган ҳолатлардагидек, топилган кесим юзаларини энг яқин стандартларига яхлитлаш, уларни (Б.30) шарт бўйича текшириш ва бу шарт бажарилмаган тақдирда танланган кесим юзасини оширишни назарда тутади.

Синов саволлари

1. Электр тармоқларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ЭУЛ ўтказгичларининг кесим юзасига қандай боғлиқ?
2. Токнинг иқтисодий зичлиги нима? У қандай аниқланади?

3. ¡тказгичларнинг кесим юзаси токнинг иқтисодий зичлиги бўйича қандай танланади?
4. ¡ткагичларни токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш усулининг қўлланилиш соҳаси қандай?
5. ¡тказгичларни токнинг иқтисодий зичлиги бўйича танлаш усулининг афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?
6. ¡тказгичларни иқтисодий интерваллар усулида танлашнинг маъносини тушунтиринг.
7. Иқтисодий интерваллар усулининг қўлланиш соҳаси қандай?
8. Иқтисодий интерваллар усулининг афзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?
9. ¡тказгичларни кучланиш исрофининг рухсат этилган қиймати бўйича танлаш усулининг маъносини тушунтиринг. Бу усул қандай тармоқларда қўлланилади?
10. ¡тказгичларни ЭУЛнинг барча участкаларида кесимюзаларини бир хил бўлиши шарти бўйича танлаш усулининг маъносини тушунтиринг. Бу усул қандай тармоқларда қўлланилади?
11. ¡тказгичларни ЭУЛда қувват исрофининг минимал бўлиш шарти бўйича танлаш усулининг маъносини тушунтиринг. Бу усул қандай тармоқларда қўлланилади?
12. ¡тказгичларни фойдаланилувчи матераилнинг минимал бўлиш шарти бўйича танлаш усулининг маъносини тушунтиринг. Бу усул қандай тармоқларда қўлланилади?

17 – маъруза

Маруза режаси

1. Электр узатиш линияларида қувват ва йиллик энергия исрофини юклама графиги бўйича ҳисоблаш.
2. Электр узатиш линияларида қувват ва йиллик энергия исрофини максимал юклама ва максимал қувватдан фойдаланиш вақти бўйича ҳисоблаш.
3. Трансформаторларда қувват ва йиллик энергия исрофини юклама графиги бўйича ҳисоблаш.

4. Трансформаторларда қувват ва йиллик энергия исрофини максимал юклама ва максимал қувватдан фойдаланиш вақти бўйича ҳисоблаш.
5. Электр тармоқларда қувват ва энергия исрофини камайтириш тадбирлари.

Таянч иборалар: Энергия исрофи; максимал юклама; юклама графиги; максимал қувватдан фойдаланиш вақти; максимал исроф вақти.

(**Адабиётлар:** 1-4, 6-9, 12-14).

Қувват ва энергия исрофларини ҳисоблаш ҳамда уларни камайтириш тадбирлари.

18.1. Электр энергия исрорфини ҳисоблаш усуллари.

Электр энергияни станциялардан истеъмолчиларга узатиш жараёнида ўтказгичларни қизиши, электромагнит майдоннинг ҳосил бўлиши ва бошқа эффектларга бу энергиянинг бир қисми исроф бўлади.

Электр тармоқнинг ҳар қандай элементида электр энергия исрофи юкламанинг характери ва қурилаётган вақт жараёнида унинг ўзгаришига боғлиқ. Ўзгармас юклама билан ишлаб, ΔP актив қувват исрофига эга бўлган ЭУЛда t вақт давомида исроф бўлувчи энергия қуйидагича аниқланади:

$$\Delta W = \Delta P t \ . \qquad (18.1)$$

Агар юклама йил давомида ўзгариб турса, у ҳолда электр энергия исрофини турли усуллар ёрдамида ҳисоблаш мумкин. Мавжуд барча усулларни фойдаланилувчи математик моделга боғлиқ равишда иккита катта группага бўлиш мумкин. Булар – аниқ ва эҳтимолий-статистик усуллардир.

Электр энергия исрофини ҳисоблашнинг энг аниқ усули –бу шохобчаларнинг юклама графиклари бўйича аниқлашдир. Бунда ҳисоблаш юклама графигининг ҳар бир даражаси учун қувват исрофларини аниқлаш ва уларнинг йиғиндисини топишни кўзда тутади. Бу усул баъзан график интерполяциялаш усули деб юритилади.

Юклама графиклари суткалик ва йиллик юклама графикларига бўлинади. Суткалик графиклар юклама қувватларини сутка давомида йиллик графиклар эса йил давомида ўзгаришини ифодалайди. Йиллик график баҳорги-ёзги ва кузги-қишки даврлар учун характерли суткалик графиклар асосида қурилади. Йиллик энергия исрофини ҳисоблашда давомийлик бўйича юклама графикларидан фойдаланилади. Бундай графикни ҳосил қилиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Бу графикнинг бошланғич ординатаси максимал юкламага тенг қилиб қабул қилинади. Суткалик графиклар бўйича турли типдаги суткалар сонини ҳисобга олиб (шанба, якшанба, душанба, иш куни) юклама қувватининг ҳар бир қиймати учун у йил давомидаги соатлар сони аниқланади. Аввало, максимал юклама ўринли бўлган вақт, сўнгра юклама қувватининг бошқа қийматлари учун (камайиб бориш тартибида) вақт оралиқлари аниқланади.

Йиллик *юклама графиги* бўйича йиллик энергия исрофини аниқлаш мумкин. Бунинг учун ҳар бир ҳолат учун қувват ва энергия исрофлари аниқланади. Сўнгра, бу исрофлар қўшилади ва йиллик электр энергия исрофи аниқланади.

Мисол тариқасида уч пағонали юклама графигини (18.1,б-расм) оламиз. Юклама P_1 бўлган ҳолат учун 18.1,а-расмдаги ЭУЛда қувват исрофи қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta P_1 = \frac{S_1^2}{U_1^2} r_л \quad . \tag{18.2}$$

Электр энергия исрофини ушбу ҳолат учун қувват исрофини шу ҳолатнинг давомийлик вақтига кўпайтириш орқали топамиз:

$$\Delta W_1 = \Delta P_1 \Delta t_1 \ . \tag{18.3}$$



18.1-расм. Электр энергия исрофини юклама графиги ва максимал исрофлар вақти бўйича топиш:
а – ЭУЛнинг алмаштириш схемаси; б,г – уч пағонали ва кўп пағонали юклама графиклари; в,г – уч пағонали ва кўп пағонали S^2 графиклари

Қолган ҳолатлар учун ҳам электр энергия исрофи шу тартибда топилади. Юклама P_2 бўлган ҳолат учун

$$\Delta P_2 = \frac{S_2^2}{U_2^2} r_л \quad ; \tag{18.4}$$

$$\Delta W_2 = \Delta P_2 \Delta t_2 \ , \tag{18.5}$$

юклама P_3 бўлган ҳолат учун

$$\Delta P_3 = \frac{S_3^2}{U_3^2} r_л \quad . \tag{18.6}$$

$$\Delta W_3 = \Delta P_3 \Delta t_3 \quad . \tag{18.7}$$

Юқоридагилардан келиб чиқиб, N та пағонага эга бўлган кўп пағонали юклама графигининг i-пағонаси учун қувват ва йил давомидаги энергия исрофлари қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$\Delta P_i = \frac{S_i^2}{U_i^2} r_л, \quad i = 1,...N \, , \tag{18.8}$$

$$\Delta W = \sum_{i=1}^{N} \Delta P_i \Delta t_i \, . \tag{18.9}$$

Бу ерда Δt_i-юклама графигининг i-пағонаси давомийлиги.

Δt_i вақт давомида трансформаторда қувват ва энергия исрофлари қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta P = \Delta P_к \left(\frac{S_{2i}}{S_{ном}} \right)^2 + \Delta P_c ; \tag{18.10}$$

$$\Delta W = \left[\Delta P_к \left(\frac{S_{2i}}{S_{ном}} \right)^2 + \Delta P_c \right] \Delta t_i \, . \tag{18.11}$$

Бу ерда $\Delta P_к, \Delta P_c$ - мос равишда трансформаторнинг миси ва пўлатида исроф бўлувчи қувват; S_{2i}- трансформаторнинг иккиламчи томонида графикнинг i- пағонаси юкламаси; $S_{ном}$ - трансформаторнинг номинал қуввати.

$к$ та трансформатор параллел ишлаганда N та пағонали юклама графигининг i-пағонасида исроф бўлувчи қувват ва йиллик энергия исрофи мос равишда қуйидаги формулалар бўйича топилади:

$$\Delta P_i = \frac{1}{k} \Delta P_к \left(\frac{S_{2i}}{S_{ном}} \right)^2 + k \Delta P_c ; \tag{18.12}$$

$$\Delta W = \left[\Delta P_к \left(\frac{S_{2i}}{S_{ном}} \right)^2 + \Delta P_c \right] \Delta t_i \, . \tag{18.13}$$

Исрофларни юклама графиги бўйича аниқлаш усулининг афзаллиги катта аниқлигидадир. Аммо барча шохобчаларнинг юкламалари ҳақида маълумотнинг етарлимаслиги ушбу усулнинг қўлланилишини чеклайди.

Исрофларни аниқлашнинг энг содда усулларидан бири *энг катта исрофлар вақти бўйича* топишдир. Барча ҳолатлар ичидан қувват исрофи энг катта бўлган ҳолат аниқланади. Бу ҳолатни ҳисоблаб, бу ҳолат учун қувват исрофи $\Delta P_{экат}$ топилади. Йил давомида энергия исрофини бу қувват исрофини энг катта исрофлар вақти τ га кўпайтириб топилади:

$$\Delta W = \Delta P_{экат} \tau \, . \tag{18.14}$$

Энг катта исрофлар вақти шундай вақтки, агар бу вақт давомида энг катта юклама билан ишланганда исроф бўлувчи энергия йил давомида юклама графиги бўйича ишланганда исроф бўлувчи энергияга тенг бўлади, яъни,

$$\Delta W = \Delta P_1 \Delta t_1 + \Delta P_2 \Delta t_2 + ... + \Delta P_N \Delta t_N = \Delta P_{экат} \tau , \qquad (18.15)$$

бу ерда N - юклама графыиги пағоналари сони.

Электр энергия исрофи ва истеъмолчи томонидан қабул қилинган электр энергия орасида қуйидаги тартибда боғланишни ўрнатиш мумкин.

Истеъмолчи томонидан қабул қилинган энергия:

$$\Delta W = \Delta P_1 \Delta t_1 + \Delta P_2 \Delta t_2 + ... + \Delta P_N \Delta t_N = \sum_{i=1}^{N} \Delta P_i \Delta t_i = \Delta P_{экат} \tau , \qquad (18.16)$$

бу ерда $P_{экат}$-юклама қабул қилувчи энг катта қувват.

Энг катта юклама вақти $T_{экат}$ шундай вақтки, бу вақт давомида энг катта юклама билан ишловчи истеъмолчи тармоқдан олган энергияси бир йил давомида у юклама графиги бўйича ишлаб тармоқдан олган энергияга тенг бўлади, яъни

$$T_{экат} = \frac{\sum_{i=1}^{N} P_i \Delta t_i}{P_{экат}} . \qquad (18.17)$$

$S^2 = f(t)$ графикни қурамиз (18.1,в-расм). Фараз қилайлик, юклама графигининг i-пағонасида қувват исрофининг тахминий қиймати номинал кучланиш бўйича топилади, яъни (18.8) нинг ўрнига қуйидаги ифодадан фойдаланамиз:

$$\Delta P_i = \frac{S_i^2}{U_{ном}^2} r_л .$$

Агар $r_л / U_{ном}^2 = const$ эканлигини эътиборга олсак, Δt_i вақт давомида исроф бўлувчи энергия маълум масштабда $S_t^2 \Delta t_i$ га тенг, яъни томонлари Δt_i ва S_t^2 га тенг бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзига тенг (18.1,в-расм).

Электр энергия исрофи маълум масштабда *18.1,в,д*- расмдаги графикларда тасвирланган фигуралар билан чегараланган юзаларга тенг.

τ учун юқорида келтирилган таърифга мувофиқ

$$S_{экат}^2 \tau = \sum_{i=1}^{N} S_i^2 \Delta t_i . \qquad (18.18)$$

Пик қуринишидаги графиклар учун τ нинг қиймати қуйидаги империк формуладан топилади:

$$\tau = (0{,}124 + \frac{T_{экат}}{10000})^2 \cdot 8760 . \qquad (18.19)$$

(В.19) формулани йил учун яъни $T = 8760$ соат учун фойдаланиш мумкин. Бунга нисбатан кичик вақт давоми учун ҳисоблаш аниқлигини ошириш учун (В.19) ўрнига қуйидаги ифодадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

$$\tau = 2T_{кат} - T + \frac{T - T_{экат}}{1 + \frac{T_{экат}}{T} - \frac{2P_{экич}}{P_{экат}}} \left(1 - \frac{P_{экич}}{P_{экат}}\right)^2 . \qquad (18.19а)$$

Қатор турли хил характерли юклама графиклари учун ҳисоблаш йўли билан $\tau = f(T_{экат}, \cos\varphi)$ боғланишни қуриш мумкин ва ундан фойдаланиб, маълум $T_{экат}$ ва $\cos\varphi$ лар бўйича τ ни аниқлаш мумкин.

18.2. Электр энергия исрофини камайтириш тадбирларини классификациялаш

Ҳозирги шароитда электр тармоқларда энергия исрофини камайтириш ёқилғини тежашнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади.

Электр энергия исрофини таҳлил қилганда умумий исрофни қуйидаги турларга бўлиш лозим:

энергетика системасида *электр энергия исрофининг ҳисобий миқдори* – барча электр станциялардан тармоққа берилган ва барча истемолчилар томонидан қайд этилиб, пули тўланган электр энергия миқдорлари орасидаги фарқ;

исрофнинг ҳисобий ва техник миқдори – маълум ҳолат параметрлари ва тармоқ элементларининг ҳисоб параметрлари бўйича аниқланиб, у ўтказгичларни қизиши ва электромагнит майдоннинг ҳосил бўлишига сарф бўлувчи исрофдир;

тижорат исрофлари – у ҳисобий ва техник исрофлар орасидаги фарқ сифатида аниқланиб, у қайд этиш тизимининг такомиллашмаганлиги, счетчиклар кўрсатишини олишнинг бир вақтда эмаслиги ва ноаниқлиги, фойдаланилувчи қайд этиш асбобларининг хатоликлари, қайд этилмаган истеъмолчиларнинг мавжудлиги; ўғирлашлар ва ҳ.к. лар билан белгиланади.

Ҳозирги даврда мавжуд электр энергия исрофини камайтириш тадьирларини уч группага бўлинади: ташкилий, техник ва электр энергияни ҳисобий ва техник қайд этиш тизимини такомиллаштириш тадбирлари.

Ташкилий тадбирларни қўллаш амалда ҳеч қандай қўшимча маблағни талаб этмайди. *Техник тадбирлар* қўшимча капитал маблағларни талаб этади.

Электр энергияни техник ва ҳисобий қайд этиш тизимининг такомиллашуви исрофларни камайтириш тадбирларни танлаш бўйича ҳисоблашларни янада аниқ маълумотлар билан таъминлаш имконини беради.

Синов саволлари

1. Электр тармоқларда энергия исрофлари нима мақсадларда ҳисобланади?
2. ЭУЛда қувват исрофи қандай ҳисобланади?
3. ЭУЛда йиллик энергия исрофи юклама графиги бўйича қандай ҳисобланади?
4. ЭУЛда йиллик энергия исрофи максимал юклама ва максимал юкламадан фойдаланиш вақти бўйича қандай ҳисобланади?
5. Максимал юкламадан фойдаланиш вақти нима? У юклама графиги бўйича қандай аниқланади?
6. Максимал исрофлар вақти нима? У юклама графиги бўича қандай аниқланади?
7. Трансформаторда қувват исрофи қандай ҳисобланади?
8. Трансформаторда йиллик энергия исрофи юклама графиги бўйича қандай ҳисобланади?

9. Трансформаторда йиллик энергия исрофи максимал юклама ва максимал юкламадан фойдаланиш вақти бўйича қандай аниқланади?
10. Электр тармоқда энергия исрофи қандай турларга (ташкил этувчиларга) бўлинади?
11. Электр тармоқда энергия исрофини камайтиришнинг қандай тадбирлари мавжуд? Бу тадбирларнинг маъноси нимадан иборат?

3.1. Асосий адабиётлар

1. Идельчик В.И. Электрические системы и сети. - М. Энергоатомиздат, 1989, 592 с.
2. Электрические системы. Электрические сети: Учебное пособие для вузов/Под ред. А.В.Веникова и В.А.Строева. – М.: Высшая школа. 1998. – 512 с.
3. Блок В.М. Электрические сети и системы. - М.: Высшая школа, 1986, 430 с.
4. Электрические сети и системы/ Под ред. Г.И.Денисенко. - Киев, Вища школа, 1986. – 452 с.
5. Фазылов Х.Ф., Насыров Т.Х. Установившиеся режимы электроэнергетических систем и их оптимизация. – Т.: Молия, 1999.
6. Электрические системы в примерах и иллюстрациях: Учебное пособие для ВУЗов/Под ред.В.А.Строева. - М.: Высшая школа, 1999. – 352 с.
7. Пособие к курсовому и дипломному проектированию для электроэнергетических специальностей: Учебное пособие для студентов электроэнергетических специальностей вузов./Под ред. В.М.Блок. – М.: Высшая школа, 1990 – 383 с.
8. Поспелов Г.Е., Федин В.Т. Электрические системы и сети. Проектирование: Учеб.пособие для втузов. – 2-е изд. – Мн.: Выш.шк., 1988. – 308 с.
9. Справочник по проектированию электроэнергетических систем./Под ред. С.С.Рокотяна и И.М.Шапиро. – м.: Энергия, 1985. – 350 с.
10. “Электр тармоқлари ва системалари” фанидан лаборатория ишларини бажариш бўйича методик қўлланма. - Тошкент.: ТошПИ. 1991, 4б.(Т.Ш.Гойибов, А.М.Мирзабоев)
11. Методическое указание к лабораторным работам по курсу “Электрические сети и системы”. - Ташкент, ТашПИ, 1989, 40 с.

3.2. Кўшимча адабиётлар

12. Электрические системы. /Электрические сети/Под ред. В.А.Веникова - М.: Высшая школа, 1981. - 439 с.

13. Боровиков В.А., Косарев В.К., Ходот Г.А. Электрические сети энергетических систем. - Л.: Энергия, 1987, 391 с.

14. Электроэнергетические системы в примерах и иллюстрациях: Учебное пособие для ВУЗов/Ю.Н.Астахов, В.А.Веников, В.В.Ежков и др. - М.: Энергоатомиздат, 1983.